

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

КАФЕДРАСИ

ХОДИЕВА МАДИНА ХОЛМУМИН ҚИЗИ

ИНТЕРВЬЮ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ОЛИШНИНГ

ҲУҚУҚИЙ ВА ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

**мавзусида 5320400 – халқаро журналистика йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

_____ Халқаро журналистика
назарияси ва амалиёти кафедраси
мудираси ф.ф.н, доц. Н.Тошпўлатова

2014 йил “4” июнь

ИЛМИЙ РАҲБАР:

_____ ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова

2014 йил “4” июнь

Тошкент – 2014

ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ:

Факультет декани: _____ **А. Нурматов**

Кафедра мудири: _____ **Н. Тошпўлатова**

Илмий раҳбар : _____ **Н. Тошпўлатова**

Расмий тақризчи: _____ **Н. Эрхонова**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: Интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик
муаммолари**

ДАК қарори: ўзбек гуруҳи талабаси

Ходиева Мадинанинг

битирув малакавий иши “_____” га баҳолансин.

4 июнь 2014 йил

ДАК раиси:

Б.Алимов

ДАК котибаси:

Ф.Раҳимова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Факультет: Халқаро журналистика

Кафедра: Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти

Таълим йўналиши: Халқаро журналистика

“Тасдиқлайман”

**Халқаро журналистика назарияси ва
амалиёти кафедраси мудираси ф.ф.н,
доц. Н.Тошпўлатова**

_____ **июнь 2014 й.**

**Битирув малакавий ишни бажаришга
ТОПШИРИҚ**

Ходиева Мадина Холмўмин қизи

- 1.БМИ мавзуси: « Интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммолари»**
- 2.БМИ мавзуси университетнинг 2013 йил “31” декабрдаги 275/б-сонли буйруғи билан тасдиқланган.**
- 3.Тугалланган ишни топшириш муддати: 2014 йил “20”апрель**
- 4.Битирув малакавий ишни ёзиш бўйича кўрсатма:**
 - а) ишнинг бошланғич маълумотлари: Президентимиз И.А.Каримов асарлари, журналистика назариясига оид китоблар, ўқув қўланмалари, босма ва электрон нашр нусхалари**
 - б) иш таркиби: 2 боб, ҳар бир бобда 3 тадан параграф**
 - в) ишнинг умумий ҳажми: 60 бет**
 - г) ишнинг иловаси: мавзу юзасидан чоп этилган илмий мақола**
 - д) ишни ёзиш режа-жадвалини 2014 йил “1”майигача тақдим этиш;**
 - е) ишни меъёрий талабларга мувофиқ расмийлаштириш 2014 йил __май.**
- 6. Топшириқ берилган кун: 02.11.2013**

Битирувчи: М.Ходиева

Илмий раҳбар: ф.ф.д., доц. Н.Тошпўлатова

Битирув малакавий ишини бажаришга маслаҳатлар:

№	БМИ боб ва бўлимларининг номлари	Илмий раҳбарнинг Ф.И.Ш	Топшириқ берилган сана, имзо	
			Топшириқ берди	Топшириқ олди
I.	Интервью-ахборот олиш усули ва журналистика жанр сифатида	ф.ф.д. Н.Тошпўлатова	20.11.2013	20.11.2013
1.1	Ахборот манбалари билан ишлашда интервьюдан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти	ф.ф.д. Н.Тошпўлатова	02.12.2013	02.12.2013
1.2	Интервьюни ахборий жанр тури сифатидаги ўрни ва унга қўйиладиган талаблар	ф.ф.д. Н.Тошпўлатова	16.01.2014	16.01.2014
1.3	Интервьюнинг жанр сифатидаги тадрижи.	ф.ф.д. Н.Тошпўлатова	25.01.2014	25.01.2014
II.	Интервью олишнинг қонуний кафолатлари ва психологик муаммолари	ф.ф.д. Н.Тошпўлатова	15.02.2014	15.02.2014
2.1	Интервьюни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларда журналист масъулияти.	ф.ф.д. Н.Тошпўлатова	06.03.2014	06.03.2014
2.2	Интервьюда томонларнинг ўрни ва у билан боғлиқ психологик	ф.ф.д. Н.Тошпўлатова	15.03.2014	15.03.2014

	муаммолар.			
2.3	Интервьюга тайёргарликнинг назарий, амалий, психологик жиҳатлари.	ф.ф.д. Н.Тошпўлатова	25.03.2014	25.03.2014

Битирув малакавий ишни бажариш жадвали:

№	БМИ боб ва бўлимларининг номлари	Бажариш муддати	Бажарилганлиги ҳақида илмий раҳбар имзоси
I.	Интервью-ахборот олиш усули ва журналистика жанр сифатида	20.11.2013	
1.1	Ахборот манбалари билан ишлашда интервьюдан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти	02.12.2013	
1.2	Интервьюнинг жанр сифатидаги тадрижи.	16.01.2014	
1.3	Интервьюнинг жанр сифатидаги тадрижи.	25.01.2014	
II.	Интервью олишнинг қонуний қарғашлари ва психологик муаммолари	15.02.2014	
2.1	Интервьюни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларда журналист масъулияти.	06.03.2014	
2.2	Интервьюда томонларнинг ўрни ва у билан боғлиқ психологик муаммолар.	15.03.2014	
2.3	Интервьюга тайёргарликнинг назарий, амалий, психологик жиҳатлари.	25.03.2014	

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика
факультети битирувчиси Ходиева Мадина Холмўмин қизининг
“Интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик
муаммолари” мавзuidaги 5320400 – халқаро журналистика йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун тайёрланган битирув малакавий
ишига**

Т А Қ Р И З

Журналистикада ҳар бир жанр ўзига хос ривожланиш босқичларини босиб ўтган ва журналистик ижодда муайян ўринга эга. Гарчанд ХХІ асрга келиб олимлар, тадқиқотчилар, амалиётчилар жанрлар орасидаги интергарциянинг кучайиши туфайли уларнинг йўқ бўлиб кетишлари ҳақидаги башоратларни илгари сурсалар ҳам ҳали шакл сифатида улар мавжуд. Уларнинг айримлари йўқолса ёки аҳамияти пасайса, айримлари фаоллашмоқда. Бугунга келиб, ана шундай фаоллашган жанрлардан бири бу интервьюдир. Интервьюга ҳам ахборот олиш манбаси сифатида, ҳам журналистиканинг мустақил жанри сифатида талаб юқори. Бу эса битирувчи Ходиева Мадина Холмўмин қизи томонидан тадқиқ этилган “Интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммолари” мавзунинг долзарб ва айти пайтда ёзилган битирув малакавий иши эканлигидан далолат беради. Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланган, пухта ишлаб чиқилган режа асосида ёзилган. Режанинг мантиқий кетма-кетлиги битирув малакавий ишининг мазмунан бой бўлишини таъминлаган. Битирув малакавий ишида интервью тайёрлаш жараёнининг мураккаблиги, айтиқса унда ахборот олиш билан боғлиқ зиддиятлар, мулоқот жараёнида юзага келадиган турли психологик вазиятлар битирувчи томонидан шунчаки ўрганилмай, балки матбуот нашрларида чоп этилган интервьюларни таҳлил этишга орқали илгари сурган назарий қарашларини амалий мисоллар билан исботлаб беришга ҳаракат қилган.

Тадқиқот ишида кузатувлар, далиллар ва мулоҳазалар режага мувофиқ изчиллик билан келтирилади. Биринчи бобда, интервью – ахборот олиш усули ва журналистика жанри, ахборот манбалари билан ишлашда интервьюдан

фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти жаҳон журналистикаси ва миллий журналистикамизда яратилган назарий манбаларга таянган ҳолда, чуқур таҳлил қилинган. Иккинчи бобда эса, интервью олишнинг қонуний талаблари ва психологик хусусиятлари ҳақида, интервьюни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларда журналист масъулияти ва у билан боғлиқ психологик муаммолар ўрганилган, матбуотдаги интервьюлар таҳлил қилинган. Шунингдек, бу борада тадқиқотчи томонидан ўзига хос, асосли фикрлар илгари сурилган.

Илмий ишнинг ютуғи ва ўзига хослиги шундаки, бунда тадқиқотчи интервью олишнинг ўзига хослиги ва мураккатлигини Япония матбуоти ва Ўзбекистон босма нашрларини қиёсий таҳлил қилганлиги билан аҳамиятли. Тадқиқотнинг ютуқлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам бор. Айрим ўринларда имловий хатоларга йўл қўйилган бўлса, баъзи бир ўринларда масалаларга керагидан ортиқ ёндашилган. Аммо бу жиҳатлар битирув малакавий ишининг мазмун-моҳиятига таъсир кўрсатмайди.

Мазкур тадқиқот ишида битирувчи япон, инглиз ва рус тилларидаги хорижий адабиётларга кўп мурожаат қилган. Шунингдек, илғор хорижий даврий нашрлардан ҳам фойдаланилгани мавзуга халқаро даражада нигоҳ ташлаш имконини берган. Таҳлилларда муаллифнинг шахсий фикри ва аниқ фактлар берилганлиги эса тадқиқотчининг мавзуни узоқ ва атрофлича ўрганганлигидан дарак бериб турибди. Юқоридаги ана шу фикрлардан келиб чиқиб Мадина Ходиеванинг “Интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммолари” мавзуси битирув малакавий ишини тугалланган тадқиқот иши сифатида ҳимояга тавсия этиш мумкин ва уни ижобий баҳоланиши тарафдориман.

Насиба ЭРХОНОВА,

“Тарбия” журнали Бош муҳаррири

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Халқаро журналистика факультети битирувчиси Ходиева Мадинанинг

Интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик Муаммолари мавзуидаги 5320400 – халқаро журналистика йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун тайёрланган битирув малакавий ишига

ИЛМИЙ РАҲБАР ХУЛОСАСИ

Битирув малакавий иши мантиқан тўғри ишлаб чиқилган режа асосида ёзилган бўлиб, унинг долзарблиги журналистиканинг замонавий муаммоларини назарда тутиб, ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб танланган ва тадқиқ этилган. Талаба илмий тадқиқот ишининг моҳиятини англаган ҳолда журналистика мутахассислигига тааллуқли назарий билимларга ва амалий тажрибаларга асосланиб иш олиб борганлиги яққол кўриниб турибди. Мазкур битирув малакавий ишига раҳбарлик қилиш жараёнида талабанинг мавзунини тадқиқ этиш юзасидан белгилаб олган мақсад ва вазифалари мазкур алоқаларни журналистик нуқтаи назаридан ўрганиб чиқишга қаратилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Мазкур битирув малакавий ишининг долзарблиги шундаки, унда интервью тайёрлаш жараёнида ахборот олишнинг нақадар мураккаблиги, бунинг уддасидан чиқиш учун журналист соҳанинг ҳуқуқий билимлари ва психологик муаммолари яхши билиши масаласининг илмий муаммо сифатида ўрганилганлиги билан белгиланади. Мазкур муаммога ОАВдаги материалларни кўриб чиқиш орқали асосли таҳлилий материалларга таянганлиги М.Ходиеванинг ишни атрофлича ўрганишга ҳаракат қилганлигидан далолат беради.

Умуман олганда халқаро журналистика факультети битирувчиси Мадина Ходиеванинг “Интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммолари” мавзуидаги битирув малакавий иши тугал кичик илмий тадқиқот иши олдига қўйган талабларга жавоб беради. Мавзу юзасидан

кўрсатилган камчиликлар тадқиқотчи томонидан тузатилди, билдирилган таклифлар инобатга олинди. Шуларни назарда тутиб битирувчи М.Ходиеванинг “Интервью жараёнда ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммолари” мавзуидаги битирув малакавий иши олдига қўйган талабларга жавоб беради ва уни ҳимоя қилиш мумкин.

Тадқиқотчи ўз мавзусига тегишли бўлган кўплаб адабиётлар, интернет ва матбуот нашрларидан фойдаланган. Битирув малакавий ишида фикрлар аниқ ва исботи билан берилган.

Бир сўз билан айтганда, М. Ходиеванинг битирув-малакавий иши долзарб ва муҳим мавзуга бағишланган, тадқиқотчи ўз олдига қўйган мақсадга эришган.

Битирув малакавий иши тузилиши бўйича Давлат аттестацияси комиссияси талабига тўлиқ жавоб беради ва уни ҳимояга тавсия этаман.

Илмий рахбар:

Ф.ф.н., доц. Н.Тошпўлатова

Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети

халқаро журналистика факультети

кафедрасининг

10-сонли мажлиси баённомасидан

КЎЧИРМА

Тошкент ш.

2014 йил 7 май

ҚАТНАШДИЛАР: кафедра аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

1. 4-босқич талабаларининг битирув малакавий ишларини ҳимояга тавсия этиш.

ЭШИТИЛДИ: 402-гуруҳ Ходиева Мадинанинг “Интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммолари” мавзусидаги битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

Қарор қилинди:

402-гуруҳ Ходиева Мадина филология фанлари номзоди доцент Назира Тошпўлатова раҳбарлиги ва “Тарбия” журнали бош муҳаррири Насиба Эрхонова тақризи остидаги “Интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммолари” мавзусидаги битирув малакавий иши Давлат аттестацияси комиссияси мажлисида ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Кафедра мудири

Н.Тошпўлатова

Котиба

М.Исомиддинова

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ ИНТЕРВЬЮ – АХБОРОТ ОЛИШ УСУЛИ ВА ЖУРНАЛИСТИКА ЖАНРИ СИФАТИДА	
1.1. Ахборот манбалари билан ишлашда интервьюдан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти.....	8
1.2. Интервьюни ахборий жанр тури сифатидаги ўрни ва унга қўйиладиган талаблар.....	13
1.3. Интервьюнинг жанр сифатидаги тадрижи.....	22
II БОБ ИНТЕРВЬЮ ОЛИШНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАРИ ВА ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ	
2.1.Интервьюни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларда журналист масъулияти.....	28
2.2.Интервьюда томонларнинг ўрни ва у билан боғлиқ психологик муаммолар.....	44
2.3.Интервьюга тайёргарликнинг назарий, амалий, психологик жихатлари.....	50
Хулоса.....	56
Фойдаланилган адабиётлар.....	58

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон журналистикаси тараққиётининг шаклланиши жараёнида коммуникациянинг турли кўринишларининг фаоллашуви орқали кечади. XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида оммавий коммуникациянинг мисилсиз даражада ривожланиши жаҳон фан-техника ютуқларининг тараққий этгани билан боғлаш мумкин. Яъни ахборот алмашинувини турли воситаларининг ривожланиши орқали ахборот оммалашди. Ўз навбатида оммавий коммуникацияни ташкил қилувчи компонентлар шахслар аро коммуникациянинг ривожланишига ҳам туртки бўлди. Натижада унинг моҳият-мазмуни турли кўринишлардаги мулоқотга кўчди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида шундай фикрларни таъкидланганлар: - “Аввало, телевидениени давлат ва жамиятимизни бамисоли бир кўприкдек боғлаб турадиган жонли мулоқот воситасига айлантириш, эфир орқали бугунги кунинг долзарб муаммоларини кўпроқ акс эттириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, ҳар қайси инсоннинг ўз мустақил фикрини ифода этишига имкон бериш, турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларнинг қизиқиш ва интилишлари, ҳаётий манфаатларини ёритиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур”¹.

Жамият ривожининг асосини турли коммуникациялар, мулоқотлар ташкил этади. Шу боис, рус олими М.Бахтин коммуникация(алоқа)га қуйидагича лўнда таъриф беради: “Мавжудлик бу —гаплашиш, мулоқот. Шунинг учун диалог моҳиятан бўлиши ва тугаши керак эмас. Қачонки диалог тугаса, ҳаммаси тугайди”².

М. Бахтин коммуникация ҳақида фикр юритганда коммуникация муайян адресга, шахсга жўнатувчидан олувчининг ахборот(хабар)и, деган оддий

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент.: Маънавият. 2008. –Б.135.

²Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: Сано-стандарт. 2013. -Б.70.

хулосага келмаган. Коммуникация воқеликнинг иштирокчилари ўртасида кечадиган мулоқот: бу—“бегона сўзларнинг учрашуви ва ўзаро таъсирини белгиловчи мураккаб ҳодисадир”³.

Ҳар қандай жамиятнинг коммунактив жараёнларини турли кўринишдаги мулоқотлар ташкил этади. Шу боис мулоқотни жамиятдаги турли муносабатларнинг асоси, таъбир жоиз бўлса, “жон томири” дейиш мумкин. Аммо мулоқот билан оммавий мулоқотнинг фарқи борлигини биз психология ва социология фанларидан яхши биламиз. Журналистика соҳасини эса кўпроқ оммавий мулоқот, кўпчиликка тааллуқли бўлган мулоқот қизиқтиради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар қандай оммавий ахборот воситаси, шунингдек, журналист ҳам ўзининг жамоатчилик онгини шакллантиришга қаратилган информацион-коммуникатив мақсадини амалга оширишда мулоқотдан кенг фойдаланади. Таъкидлаш жоизки, кенг жамоатчиликка дахлдор ахборотларнинг аҳамияти нуқтаи назаридан одатдаги мулоқотлар билан оммавий ахборот воситалари орқали узатиладиган мулоқотлар ўртасида фарқ бор. Қолаверса, ривожланган демократик жамиятда омма фикрини шакллантириш жараёнлари тез узатилаётган ахборот билан бирга жамоатчиликнинг муайян воқеликка муносабатига, қарашига ҳам бевосита боғлиқ.⁴ Бундай муносабатлар эса мулоқотлар орқали амалга ошади.

Шакл ва мазмун шунингдек мақсад ва вазифа нуқтаи назаридан журналистикада мулоқот тушунчаси икки хил кўринишга эгаллигини яхши биламиз. Булардан биринчиси, мулоқот-ахборот олиш усули эканлиги. Иккинчиси, мулоқот журналистиканинг жанрлари: интервью ёки суҳбат эканлигидадир. Ахборот усули сифатида кишиҳар ким ўзига тегишли ахборотни шу йўсинда олади. Табиий журналистлар ҳам бундан мустасно эмаслар. Журналист маълумот олиш учун турли ахборот манбалари билан мулоқотга киришади. Бу усул социология ва психологиянинг ҳам тадқиқот

³Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: Сано-стандарт. 2013. –Б.70.

⁴Ўша манба

методларидан саналади. Журналист ўзи танлаган суҳбатдоши билан бир мавзу, мақсадга қаратилган савол-жавобдан иборат мулоқотида жамиятда содир бўлган аниқ бир воқеа-ҳодиса, жараёнлар, ўзгаришлар ва суҳбатдошнинг эришган ютуқлари, соҳасига доир ўзгаришлар ҳамда янгиликлар ҳақида ўзаро мулоқот олиб боради.⁵

Бу бир қараганда жуда оддий ва осон жараён бўлиб кўринсада, аслида журналистлар учун энг кўп муаммо келтириб чиқарадиган ва шу боис ҳам жиддий тайёргарликни талаб этадиган мураккаб жараёндир. Шу пайтгача турли катта-кичик илмий тадқиқот ишларида мулоқотга нисбатан ё ахборот олиш усули сифатида, ёки журналистик жанр сифатида тадқиқ қилинган бўлиб, унга кўпроқ журналистиканинг умумназарий талаблари нуқтаи назаридан ёндашилган. Ваҳоланки, интервью олиш меъёрлари, унга қўйиладиган касбий-психологик талаблар борки, уни амалиётда фаолият олиб борадиган ҳар бир журналист билавермайди. Айнан бу борадаги билимларни ўрганиш, у билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарадиган омилларни тадқиқ қилишбиз танлаган битирув малакавий ишининг долзарблигини тaminлайди.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммоларини ўрганиш, бунда ахборот олиш билан боғлиқ зиддиятлар, интервью жараёнида юзага келадиган турли мураккабликлар, психологик ҳолатларни муайян матбуот нашларида чоп этилган интервьюларни тадқиқ ва таҳлил этиш ушбу ишнинг асосий мақсадидир. У қуйидаги вазифалар орқали амалга ошади:

- ахборот олишда, хусусан ахборот манбалари билан ишлашда интервьюнинг ўрнини аниқлаш;
- интервьюнинг ахборот жанри, сифати, ўрнини аниқлаш;
- интервьюга қўйиладиган специфик талабларни таҳлил қилиш;

⁵ Ўша манба

- интервью жанрининг ривожланиш жараёнларини тадқиқ этиш;
- интервью олиш жараёнида журналистнинг руҳий-психологик тайёрлигини таҳлил қилиш;
- интервьюда томонларнинг ўзаро психологик муносабатларини ўрганиш;
- интервьюга тайёргарлик жараёнида профессионал ёндашув психологиясини тадқиқ этиш.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети.

Ушбу битирув-малакавийиш объектини матбуот газеталари фаолиятини ўрганиш ташкил этади. Япониянинг “Асахи шинбун” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ Демократик партиясининг органи “Ўзбекистон овози” газеталарининг 2013 йил ҳақида таҳлил қилинган.

Илмий ишнинг предмети эса журналистика назарияси ҳамда интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммоларига тегишли назарий билимлар,бу ишнинг эпериқ ва назарий методларида таҳлил, қиёслаш усулларида фойдаланилди. Сохага тааллуқли қоида ва меъёрлардан фойдаланилади.

Ишнинг илмий янгилиги. Мазкур соҳада ўрганилган тадқиқотларда асосий эътибор интревьюнинг кўпроқ жанр сифатидаги хусусиятлари ўрганилган. Интервьюга нисбатан журналистик ижод маҳорати нуқтаи назаридан ёндашилмаган. Интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммолари эса яхлит илмий масала сифатида ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан ушбу мавзунини замонавий босма нашрларда чоп этилган интервьюлар орқали ўрганиш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш ишнинг илмий янгилигини ташкил этади.

Ишнинг назарий ва методологик асослари.

Битирув малакавий ишининг методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, хусусан ОАВ ҳақидаги маърузалари, нутқлари, ОАВ ходимлари ва журналистларига йўллаган

табриклариди билдирган фикрлари ташкил этади. Ишнинг назарий асосларининг мавзуга дахлдор назарий қўлланмалар, дарсликлар, ЎУМ, шунингдек журналистик тадқиқот методларига ҳамда интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммоларига тааллуқли бошқа назарий билимларга таянилади.

Ишнинг назарий амалий аҳамияти.

Мазкур битирув малакавий ишида ўрганилган ва тадқиқ этилган масалалар, журналистнинг ижодий фаолияти, унинг коммуникатор сифатида суҳбатдош билан мулоқотга киришиши, суҳбатдошдан интервью жараёнида ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммоларига эътибор қаратилади. Ушбу тайёрланган кичик илмий манбадан талабалар репортёрлик маҳорати, янгиликлар журналистикаси, журналистика психологияси йўналишларида курс ишлари ёзишларида мустақил таълим материали сифатида фойдаланишлари мумкин. Шу нуқтаи назардан жамиятнинг турли шахслари билан бўладиган интервью жараёнида ҳам ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик муаммолари ўз ечимини топади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши.

Битирув малакавий иши кириш, асосий мазмунни ифода этувчи 2 боб, тўрт фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

I БОБ ИНТЕРВЬЮ – АХБОРОТ ОЛИШ УСУЛИ ВА ЖУРНАЛИСТИКА ЖАНРИ СИФАТИДА.

1.1. Ахборот манбалари билан ишлашда интервьюдан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти.

Журналистика соҳасининг асосий етиштирадиган маҳсулоти ҳам ишлаб чиқарадиган ва сотадиган асосий товари ҳам ахборот ҳисобланади. Бугун ахборот деган тушунча жуда катта қудратга эга ахир ким ахборотга эғалик қилса, ўша дунёни бошқаради, деган қараш аллақачон акционерга айланиб бўлди. Чиндан ҳам биргина ахборот оламшумул аҳамиятга молик муносабатларни тартибга солиши ёки аксинча вайрон қилиш қудратига эга. Шунинг учун ҳам ахборот билан ҳисоблашиш, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш ҳамisha долзарб саналади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда ахборот эркинлигининг ҳуқуқий базаси шаклланди. У мамлакатимиз фуқароларининг ахборот эркинлигини таминлашда кафолат вазифасини ўтапти. Аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин”.⁶ Шунингдек, бу борада Президентимиз ОАВни эркинлаштириш юзасидан қатор қонунлар қабул қилинганлиги эътироф этиб, шуларнинг ичида Ўзбекистон Республикаси “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” ги Қонунининг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларни ахборотни муҳофаза қилишни амалга оширишда

⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент.:Ўзбекистон. 2003. -Б.8.

шунингдек, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлайди.⁷

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш эркинликлари принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунинг қабул қилиниши бу борадаги қонунчилик базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасининг учинчи бўлими ҳам бевосита ахборот соҳасини ислох қилишни таъминлашга, ахборот ва сўз эркинлигига бағишланган. Жумладан маърузасида Президентимиз, шундай дейди: “Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқороларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимиз ҳам яхши тасаввур этамиз”⁸.

Таъкидлаш жоизки, жамиятнинг ўзи турли кўринишдаги коммуникатив жараёнлардан иборат бўлса-да, кенг жамоатчиликка дахлдор ахборотларнинг аҳамияти нуқтаи назаридан одатдаги мулоқотлар билан оммавий ахборот воситалари орқали узатиладиган мулоқотлар ўртасида фарқ бор. Қолаверса, ривожланган демократик жамиятда омма фикрини шакллантириш жараёнлари тез узатилаётган ахборот билан бирга жамоатчиликнинг муайян воқеликка муносабатига, қарашига ҳам бевосита боғлиқ.⁹

⁷Ўзбекистон Республикаси “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. –Тошкент.: 2012.

⁸“Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 12-13 ноябрь сонлари.

⁹Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: Сано-стандарт. 2013. –Б.70.

Дарҳақиқат, ахборотни ҳеч монеликларсиз олиш ўз фикрини эркин ифода этиш инсоннинг ҳуқуқлари сифатида ниҳоятда қадрланади.

Табиатдан инсон ахборотга қанчалик эҳтиёжманд бўлса, ахборот беришга нисбатан шунчалик масъул ҳам бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳар бир киши ахборот манбаси вазифасини бажаради. Жамият фуқароси сифатида, муайян воқеа ҳодисаларнинг субъектига айланади. Ахборот эса фақат манбалардан олинади. Гарчанд сўз эркинлиги қанчалик кафолатланишига қарамасдан, ахборот олиш эркинлиги қонуний жиҳатдан таъминланганига қарамасдан агар ахборот манбаси розилик бермаса, ҳеч ким уни беришга, гапиришга мажбур қила олмайди. Шунингдек, журналист ҳам қолаверса, ҳеч қайси ахборот манбаси ўзидаги маълумотларни икки қўллаб журналистга топшириб қўймайди. Худди шу ерда журналист ахборот манбаси билан ишлашдан психологик муаммоларга дуч келади. Юқорида қайд этилган “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасида журналистларни ахборот олишлари кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Журналистик фаолиятининг ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида “Журналист ахборот тўплаш ва текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга” дейилса, иккинчи қонуннинг 3-моддасида “Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимнинг ахборот излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади”, 4-моддасида “Ахборот олиш эркинлигининг асосий принципи ахборотнинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиқлиги ва ҳақонийлигидан иборатдир”,¹⁰ дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари. Жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқороларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш

¹⁰Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Тошкент.: 2008. –Б.21.

имкониятини яратиб бериши лозим”, дейилган.¹¹ “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида мансабдор шахсларнинг ахборот олиш учун шароит яратиб беришга мажбурлиги таъкидланган:

“Давлат органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имкониятини тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади”.¹²

“Имконият яратиб беришмаса-чи?” деган савол туғилиши табиий. Бу ҳолатда ҳозирги қонунчилигимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишишларини асоссиз рад қилган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарлика тортилиши Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекснинг 43-44-моддаларида таъкидланган ва ниҳоят, олиш имкони чекланган ахборотлар ҳам мавжудки, улар давлат сири бўлган ахборот ва махфий ахборот сифатида фарқланади. Юқорида Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунда “Тақдим этилиши мумкин бўлмаган ахборот” 9-модда қуйидагича белгиланган: “Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат ахборотни беришлари мумкин эмас”.¹³

Шу билан бирга журналистикада ахборотни нотўғри бериш нохуш оқибатларни келтириб чиқаради. Ахборотни нотўғри бериш жамиятнинг ички тартибини бузиши, ҳамда давлатлар ўртасида низо келтириб чиқариши мумкин. Шу боис ҳам оммавий ахборот воситалари ахборотнинг тўғрилиги учун жавоб

¹¹ Саидов Ҳ. Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. -Тошкент.: 2008. –Б.22.

¹² Ўша манба

¹³ Ўша манба

бериши қонунда белгилаб қўйилган. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида ҳам алоҳида таъкидланган. “Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг тўғрилигини текшириб қўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда тўғрилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар”.

Интервьюда яна бир долзарб масала бу-интервью матнида йўл қўйилган хато учун ким жавобгар бўлади? деган саволдир келинг шу саволга кенгрок тўхталиб ўтсак. Журналистми ёки интервью берган шахсмикин дея ўйлаш мумкин. Шунинг учун биз Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасида “Интервьюга бўлган муаллифлик ҳуқуқи интервьюга берган шахсга ва интервью олган шахсга, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлмаса ҳаммуаллифлар сифатида тегишлидир. Интервьюдан фойдаланишнинг фақат интервью берган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади” деб айтилган¹⁴. Интервью учун жавобгарлик ҳар икки шахсга ҳам бирдек тегишли. Бунда, интервью берган одам тўғри маълумотларни айтиши керак журналист эса хатога йўл қўймаслиги керак.

Журналист ахборот манбалари билан ишлашда юқорида таъкидлаб ўтилгандек, ҳеч қандай хато камчиликларга йўл қўймасликлари зарур. Интервью олиш жараёнида ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш учун журналист ўз позициясини ишга солган ҳолда суҳбатдошидан ўзига керакли бўлган ахборотларга эга бўлиб олиши зарур. Кераксиз тафсилотлар, ортиқча сўзлар интервьюнинг аҳамиятини пасайтиради. Энг муҳими эса кўпчиликка, оммага, янгиликлар етказишдир. Бунинг учун журналистнинг маҳоратига боғлиқ ва интервьюдан олдин мавзунини аниқлаб, янгиликларни йиғиб сўнгра суҳбатдошидан ахборот олса ўз мақсадига эришган бўлади.

¹⁴Саидов Ҳ. Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Тошкент.: 2008. –Б.21.

1.2. Интервьюни ахборий жанр тури сифатидаги ўрни ва унга қўйиладиган талаблар.

Оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланиладиган жанрлардан бири интервьюдир. У инглизча бўлиб “сўраб олиш, суриштириш” деган маънони билдиради. Мазкур жанрининг матбуотда кенг учрашининг сабаби шундаки, ҳаётдаги ҳар бир факт, воқеа ва ҳодисанинг қандай бўлиб ўтганлиги, тафсилоти одатда шу фактдан хабардор бўлган, воқеа, ҳодисани кўрган билган воқеада иштирок этганодамлардан сўраб-суриштиради. Фақат жамият ёки табиатда содир бўлган воқеа, ҳодиса вазиятини матбуот материалига асос бўлади. Кўпинча содир бўлган воқеа хусусида суриштириш аввало, ҳаётни билиш воситаси бўлса, уни публицистиканинг энг муҳим, кенг тарқалган, фаолиятининг асосидир. Одатда ахборотий жанр жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлган воқеаларни тезкорлик билан ёритишда кенг қўлланилади. У оммавий ахборот воситаларининг барча турлари газеталар, журналлар, радио, телевидение, ахборот агентликлари, интернетнинг асосий материалларини ташкил этади.

Ахборотий жанрлардан ҳисобланган интервью ҳам ана шу саволларга жавоб бериши керакми? Бу бир оз мунозарали масала, унга жавоб беришдан олдин интервьюнинг турларини ажратиб олиш керак. Бизга янгиликлар журналистикасидан яхши маълумки ахборотий жанрлар учта муҳим саволга ким? нима? қачон? деган саволларга жавоб бериши керак бўлади.

Аввало интервью расмий ва норасмий хилларга бўлинади. Расмий интервьюлар асосан ҳукумат раҳбарларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бирор муҳим воқеа – расмий учрашув, сафар, йирик анжуман ва зарур саналарга ва бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган тадбирларга бағишланиб ўтказилган матбуот йиғинларида берилади. Норасмий интервью эса журналистлар томонидан у ёки бу воқеа, ҳодиса ҳақида ёзилади.¹⁵

¹⁵Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. -Тошкент.: Тафаккур нашриёти. 2010. –Б.158.

Интервью шаклий жиҳатдан икки хил – ахборий ва таҳлилийга бўлинади. Ахборий интервьюда сўров, суриштирув натижасида олинган факт, аниқланган воқеа ва ходиса ҳақида хабар қилинади ҳамда бу хабар, маълумот ким томонидан берилганлиги, маълум қилинади. Яъни бу хил материалда факт ва маълумотлар кимдан олинганлиги айтилиб, қисқача тарзда баён этиб ўтилади. Бу жиҳатдан у биз юқорида айтган ва уч саволга жавоб бериш керак бўлган хабар жанрига яқин туради. Таҳлилий интервью эса бироз мураккаброқ, унда воқелик ҳақида нафақат хабар берилади, балки у жараён таҳлил қилинади унда таҳлилий публицистика хусусиятларини ҳам кўриш мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, кўп ҳолларда интервьюнинг ахборий ва таҳлилий хусусиятлари ҳамда таҳлил орқали суҳбатдошнинг шахсий қарашлари бирлашиб кетиши, яъни у орқали ҳам хабар ва маълумотлар берилиши фикр-мулоҳазалар билдирилиши ҳам мумкин.

Ўз тузилиши жиҳатидан интервью икки хил интервью-диалог ва интервью-монолог шаклида ҳам бўлиши мумкин. Интервью-диалогда мухбир ва суҳбатдош ўзаро савол-жавоб қилишади. Бу савол-жавоб тайёрланиш жараёнида тўғридан-тўғри оғзаки кўринишда ёки ёзма савол-жавоб тарзида олиб борилади. Республикаимизнинг машҳур кишилари, фан арбоблари, ёзувчилар, санъаткорлар, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлардан олинган интервьюлар матбуотимизда, радио ва телевидениеда турли рукнлар остида тез-тез бериб борилади. Кўриниб турибдики, интервью жанрининг бу асосий кўриниши жамият ҳаётининг барча томонлари ҳақида хабар беришда қўлланилади.

Интервьюнинг иккинчи бир кўриниши интервью монолог бўлиб, унда мухбир берган биргина саволга суҳбатдош томонидан берилган жавоб ўз аксини топади. Бундай интервью одатда ҳаётдаги бирорта муҳим ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий масала ёки муаммони ёритиш учун қўлланилади. Бунда суҳбатдошнинг жавоби унинг тилидан ёки журналист томонидан

шарҳланиб берилиши мумкин. Бундай интервью одатда ҳажм жиҳатдан диолог-интервьюдан кичикроқ бўлади.¹⁶

Интервьюнинг яна бир шакли матбуот анжумани – пресс-конференциялардан олинади ва уларда оммавий ахборот воситалари мухбирларига ҳаётдаги муҳим масала ёки муаммо ҳақида маълумот келтирилади ҳамда журналистларнинг саволларига жавоб берилади. Бу усул умумжаҳон миқёсида кенг қўлланилиб келинади. Республикамизда ҳам ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари бўйича пресс-конференциялар мунтазам равишда ўтказиб турилади.

“Тўғридан-тўғри мулоқот” рукни остида бериладиган интервьюларда эса жамиятдабирор бир мавқени эгаллаб турган ёки муайян соҳада масъул бўлган шахс кўпчиликнинг саволларига жавоб беради. Бундай ўзига хос интервью кўпинча радио ва айниқса, телевидения орқалиқўпроқ ташкил этилади, ўтказилади. Бирор мавзу юзасидан жамоатчиликни фикрини билиш учун кўча-кўйда аҳолидан, муайян ижтимоий гуруҳ вакиллари, айтайлик ишчилар, талабалар, ўқувчилар, маҳалла фуқароларидан фикр сўрашанкета сўров ўтказиш бу журналистика билан бирга социологик тадқиқот усули ҳам ҳисобланади. Ушбу усул муайян мавзу юзасидан жамоатчилик фикрини аниқлаш учун ўтказилади. Шу боис таҳририятларга келган хатлар, махсус сўров варақалари, анкеталар тарқатиш орқали саволларга жавоб олиш ҳам мазкурахборий жанрнинг муҳим кўринишлари ҳисобланади.

Интервью жанри турли ранг-баранг кўринишларга эга бўлиб, улар ижтимоий ҳаётни кенг ва чуқур ёритиш, ундаги муҳим факт, воқеа ва ҳодисалардан ўқувчиларни хабардор қилиш, жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, интервью замонавий журналистиканинг ҳозирда эса тараққий этган, фаол жанри ҳисобланади. Қайси бири оммавий ахборот воситаси турини ўрганманг, энг кўп учрайдиган жанр, бу

¹⁶Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. -Тошкент.: Тафаккур нашриёти.2010. –Б.159.

интервьюдир.Энг оммабоп, тезкор ва таъсирчан бу жанр журналистдан жуда катта меҳнат, топқирлик ва маҳорат талаб қилади. Журналист аввало ҳаётни муттасил кузатиб бориши, ундан ижтимоий аҳамиятли, ўқувчиларнинг кизиқишини уйғотадиган факт, воқеа ва ҳодисаларни қидириб топиши, улар ҳақида кенгроқ маълумот бера оладиган одамларни аниқлаши, уларни суҳбатга тортиши ҳамда зарур маълумотларни ола билиши лозим. Интервью ёзиш ёки тайёрлаш чоғида журналист аввало фактларнинг аниқлиги, воқеа, ҳодиса тафсилотларининг ҳаққонийлигига эътибор бериши лозим. Интервьюнинг қайси шаклида ёзилиши унинг қайси мавзу, масала ва муаммога бағишланганлиги, ижтимоий аҳамиятига боғлиқ. Журналист интервью олишда маълумот олинаётган одамга ўша воқеа, ҳодисанинг моҳиятини очиш зарур бўлган саволларни ўз вақтида бера олиши ва уларга тегишли жавоб ола олиши лозим. Журналист мўлжалга урадиган, қисқа, лўнда саволлар бериб, суҳбатдошдан ҳам шундай жавоб олишга эришиши лозим. Кераксиз тафсилотлар, ортиқча сўзлар интервьюни бузади, унинг аҳамиятини пасайтиради. Энг муҳими кўпчиликка, жамоатчиликка янгилик, янги факт, янги маълумотлар етказишдир.¹⁷

Интервьюнинг ички тузилишига келсак унинг қандай бўлиши унга асос бўлган мавзудан ва журналист танлаган шаклдан келиб чиқади. Бу борада тайёр, кўп учрайдиган шаблон тузишлардан қочиб, оригинал, ижодий услуб топилиши лозим. Интервьюнинг тили ва услуби масаласига келсак у одатда жиддий, публицистик тилда ёзилади.

Интервью жанри жаҳон матбуотининг асосий жанри ҳисобланади. Дунёда чиқиб турадиган деярли барча газеталар, журналлар саҳифаларида бу жанрга оид материалларни кўплаб ўқиш мумкин. Ўтган асрнинг охирларида рус матбуотида фаолият кўрсатган машҳур журналист В.Песков интервью жанрининг устаси эди. Унинг газета саҳифаларида босиладиган қисқа, лўнда,

¹⁷Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. -Тошкент.: Тафаккур нашриёти.2010. –Б.160.

аммо сермазмун интервьюларини газетхонлар қизиқиб ўқирдилар. Журналистнинг 1962 йил 12 апрелда коинотга учирилган биринчи космонавт Ю.Гагариндан олган интервьюси инсонинг коинотга чиқишидек тарихий воқеанинг буюк моҳиятини очиб берган қисқа, ёрқин асар сифатида матбуот тарихида қолган.¹⁸

Ўзбек матбуотида ҳам интервью жанри ўзига хос ўринга эга бўлиб, бу жанрнинг ҳам усталари мавжуддир. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида “Қизил Ўзбекистон” газетасида фаолият кўрсатган журналист Абдулла Пўлатов ҳам бу жанрнинг устаси эди. У ҳар куни газета учун бирор қизиқарли, “теша тегмаган”янгилик топиш учун тинмай изланарди. Журналист газета саҳифаларида ёритилган ана шундай ижодий ёрқин интервьюларни, хабарлари учун ўз касбдошлари томонидан “ахборот кироли” деб ном олган эди.¹⁹

Хабар жанрининг, қолаверса бошқа информацион жанрларнинг ҳам асосида биринчи ўринда факт туради. Бу билан журналистиканинг бошқа турлари, айтилиқ таҳлилий журналистика ёки бадиий-публицистик маҳоратда факт муҳим эмас дейишдан йироқмиз, уларда ҳам факт муҳим, албатта. Аммо информацион жанрларнинг асосини факт ташкил этади.

Факт лотинча “faktum” сўзидан олинган бўлиб, қилинган иш деган маънони билдиради. Оддий қилиб айтганда факт исбот талаб қилмайдиган маълумот. Ҳар қандай хабарнинг асосида ҳақиқатдан ҳам бўлиб ўтган воқеа, ҳодиса туради, лекин ҳар қандай факт воқеа ва ҳодиса ҳам хабар учун асос бўла олмайди. Аввало бу фактнинг ижтимоий аҳамияти, яъни, жамият учун, шу кун, шу давр учун керак-нокерак, зарур-нозарурлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётига тааллуқли, ўз моҳияти билан керакли, зарур бўлган факт, воқеа ва ҳодисагина матбуот хабари учун асос бўла олади. Бунда ана шу факт, воқеа ва ҳодисанинг янгилиги биринчи даражали аҳамияти касб этади. Фактларга нималарни киритиш мумкин? Қонунлар, қонун ости ҳужжатлар, статистик

¹⁸Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. -Тошкент.: Тафаккур нашриёти. 2010. –Б.161.

¹⁹Ўша манба.

маълумотлар, давлат ва жамоат арбоблари, донишмандлар, алломалар, олимларнинг китобларидан олинган иқтибослар, воқеа иштирокчиси, гувоҳи, ташкилотчиларнинг фикрлари ва журналист ўз кўзи билан кўрган воқеалар билан боғлиқ маълумотлар факт вазифаларини ўтайди.

Оммавий ахборот воситалари учун зарур ахборотлар олиш манбалари хилма-хилдир. Аввало – ижтимоий-сиёсий ҳаёт, расмий идоралар, иқтисодий-ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари, маданият муассасалари ахборот олиш манбаи ҳисобланади. Умуман олганда жамиятнинг ўзи асосий ахборот манбаси ҳисобланади. Энди бевосита соҳага боғлайдиган бўлсак, жамиятда содир бўлган турли долзарб масалаларга бағишлаб ўтказиладиган матбуот анжуманлари, расмий мажлислар, шунингдек, идораларнинг матбуот хизмати томонидан тарқатиладиган ахборотлар расмий манбалар ҳисобланади. Ахборот агентликлари томонидан тарқатиладиган хабарлар ҳам расмийманба ўрнини босади. Шунингдек, тахририятларга келган хатлар, жамоатчи мухбирларнинг материаллари ҳам ахборот учун қимматли манбадир.

“Интервью-бу конкрет шахс яъни шахслар гуруҳини оммани қизиқтирадиган журналист саволларига жавобидир. Интервью фақат жанр эмас, балки бошқа материаллар учун ахборот олиши, бир шахснинг бошқа шахс ёки шахслар гуруҳидан ахборот излаши ва топиши жараёнидир.

В.А.Аграновский айтганидек, “Интервью-бу фақатгина савол-жавоблар эмас. Журналист суҳбатдош олдида биринчидан, фикр билан, иккинчидан фикр учун боришга мажбурдир”.

Д.Рэндалл гапи билан эса “Интервью-сиз ўз фикрингизни билдириб, истеъдодингизни ярқ этиб кўрсатиб, қизгин баҳс олиб борадиган жараён эмас” деган.

ОАВларнинг ўзига хос жанрларидан бири ҳисобланган интервьюнинг турлари ҳам мавжуд бўлиб улар: интервью монолог, интервью-диалог, интервью-ахборотдир. Интервью олиш жараёнида ҳар бир турларнинг ўзига хос ўрни бор. Масалан: интервью монологда-суҳбатдошга савол берилади ва у

саволларга батафсил жавоб қайтаради. Интервьюдан аввал эса суҳбатнинг мавзу ҳамда суҳбатдошнинг кимлиги ҳақида қисқача маълумот берилади. Интервью диалогда эса-саволлар ва жавоблардан иборатгина суҳбат киради. Интервьюнинг бу турида журналист тайёрлаб қўйган асосий саволлар билан чекланмасдан қўшимча яъни алоҳида саволлар ҳам бериши мумкин. Интервью ахборот турида эса суҳбатнинг аҳамиятли яъни долзарб, қизиқтирадиган жойлари берилади, гоҳида жавоблар эса қизиқтирилиб берилиши ҳам мумкин. Интервьюнинг бу турида суҳбатдош мавзудан келиб чиққан ҳолда яъни фақат мавзуга доир асосий фактларни, маълумотларни бериб ўтади.

Умуман олганда бошқа давлатларнинг оммавий ахборот воситаларидаги интервью турлари мавжуд бўлиб унга кўра биз АҚШ оммавий ахборот воситаларининг интервью турларига ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. Уларга: тасодикий интервью, яккама-якка интервью, хотирлаш интервьюси, телефон орқали интервью ҳамда шу каби турдаги интервьюлар киради.

Интервью олишда журналистнинг асосий курали бу саволдир. Савол-бу мантикий шакл бўлиб, мавжуд ахборотни ўз ичига олади. Агар журналист саволни тўғри туза олмаса, интервью берувчи шахсдан ахборотни ололмайди. Жавоблар эса қисқа ва тушинарсиз бўлиб қолади. Аввало журналист интервьюда журналист этикаси қоидаларига риоя этиши керак, яъни унга кўра журналист мавзунини чуқур ўрганиб олиши, саволларни тўғри танлай билиши, суҳбатдошни тўғри танлаши зарур ҳамда суҳбатдошнинг таржимаи ҳоли ва унинг қизиқишларини ўрганиб чиқиб ҳатто гаплашиш услубига билса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, интервью берувчига тааллуқли маълумотларнинг иқир-чикиригача биладиган журналист респондент меҳри ва ишончини қозонади. Бу эса яхши мулоқотнинг муваффақиятли чиқишининг кафолатидир. Демак, интервью оладиган журналистлар мулоқотнинг асосий ҳеч бўлмаганда иккита специфик талабни яхши билиши керак. Журналистда ахборотга эга бўлган суҳбатдошни ўзига жалб қила олиш кўникмасининг

борлиги бу—биринчи талаб. Иккинчиси мулоқотга жиддий тайёргарлик кўришдир.

Суҳбат ҳажм жиҳатидан интервьюга қараганда кенгрок бўлиб, унда суҳбатдош томонидан айтилган факт, билдирилган маълумот ҳақида батафсил ва кенгрок сўз юритилади, келтирилган факт, баён этилган воқеа, ходисалар чуқуррок таҳлил этилади.

Суҳбат жанри мавзу жиҳатидан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини камраб олади. Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий, фан-техника, адабиёт ва санъат, спорт ва бошқа барча ижтимоий соҳалар ўз ифодасини топади. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг барча турларидан доимий ўрин олиб келиб келувчи мазкур жанрда ижтимоий ҳаётнинг кичик бир масаласидан тортиб то энг муҳим муаммолари ҳам акс этиши мумкин. Олимларнинг илмий ихтиролари, ёзувчи ва шоирларнинг яратган янги асарлари ва ижодий фаолиятлари, машҳур санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди, спорт усталари эришган ютуқлар ва бошқалар мазкур жанр ёрдамида оммага етказилади. Давлат раҳбарлари, жамоат арбобларининг ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларига бағишланган фикр ва қарашлари ҳам кўпинча суҳбат жанри орқали ифода этилади. Масалан, Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг республикамиз тараққиётининг энг бош масалалари ҳақида “Тафаккур” журнали муҳаррири, “Туркистон” газетасининг бош муҳаррири, “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги ва бошқа матбуот нашрлари мухбирлари билан қилган суҳбатлари мазкур жанрга доирдир.²⁰

Журналист аввало ҳаётни муттасил кузатиб бориши, ундан ижтимоий аҳамиятли, ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотадиган масала ва муаммоларни қидириб топиши, улар ҳақида кенгрок маълумот бера оладиган суҳбатдошларни аниқлаши, уларни суҳбатга тортиши ҳамда зарур маълумотларни ола билиши лозим. Суҳбатни тайёрлаш жараёнида суҳбатдошга ўша масала ва муаммоларнинг моҳиятини очиш учун зарур саволларни бериб,

²⁰Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. -Тошкент.: Тафаккур нашриёти. 2010 –Б.181.

тегишли жавобни олиш керак. Сухбатда тилга олинаётган масалаларнинг моҳиятини тўла очиб бериш, публицистик хулосалар чиқариш, жамоатчиликка янги фикр ва мулоҳазалар айта олиш учун журналист ўзи сўз юритаётган соҳани чуқур билиши, шу билан бирликда ўткир сўз ва қалам эгаси бўлиши талаб қилинади.

Сухбатнинг ички тузилиши унинг мавзусидан ва журналист томонидан танланган шаклдан келиб чиқади. Бу борада тайёр кўп учрайдиган шаблон тузилишлардан қочиб, оригинал, ижодий услуб топилиши лозим. Сухбатнинг тили масаласига келсак у одатда жиддий, публицистик тилда ёзилади. Зарур ҳолларда, материалнинг таъсирчанлигини ошириш учун айрим ўхшатиш, жонлантириш, муқояса этиш каби тасвирий воситалардан, образли иборалардан фойдаланиш мумкин. Ҳажвий журналистика нашрларида қўлланиладиган ҳажвий танқидий сухбатлар, ҳажвий тил ва услубда қўлланилади.²¹

²¹Ўша манба.

1.3. Интервьюнинг жанр сифатидаги тадрижи.

Журналистикада ҳар бир жанрнинг ўз ўрни бор. Журналист бирор мавзунини ёритишга киришар экан, энг аввало, фактларнинг кўламига қараб жанр танлайди. Бинобарин, айтилмоқчи бўлган фикр қайси жанрда ёзилса, мавзу тўлиқроқ очилиши олдиндан чамалаб кўрилади. Унутмаслик керакки, жанрлар доимо тадрижий ривожланишда. Тўғри, улар кўриниш жиҳатидан тез-тез ўзгариб туради, аммо барибир асос ўзгармай қолаверади. Баъзи жанрлар бойиб бораверса, айримлари кам фойдаланилгани боис, унчалик ривожланмай қолади. Журналист ахборотни турли йўллар орқали олиши мумкин. Аммо биринчи ўринда у ахборот манбаи, яъни суҳбатдош билан мулоқотга киришгачгина у ёки бу даражадаги маълумотга эга бўлади. Маълумки, мулоқотнинг ҳар қандай кўриниши диалог шаклида қурилади. Айнан мана шу интервью ҳисобланади.

Ушбу сўзнинг семантикасига эътибор қаратсак, у инглиз тилидан кириб келган бўлиб, «интер» - «ўзаро ҳаракат қилиш» ва «view» - «қараш», «фикр» деган маъноларни билдиради. Интервью публицистиканинг муҳим жанри сифатида XIX асрда, даврий матбуот равнақи билан намоён бўла бошлади. Унинг кенг имкониятларини даставвал радио очиб бера олди. Радиода берилган икки кишининг мулоқотида тингловчилар сифатида аудитория ҳам қўшилди. Телевизион интервью эса жанр имкониятларини янада кенгайтирди десак, хато қилмаймиз. Телевидение интервьюга ҳиссий бўёқларга бой сўзлаш имкониятидан ташқари, имо-ишоралар, турли ҳаракатлар, суҳбатдошларнинг ўзларини тутишлари, уларни ўраб турган атроф-муҳит тасвирларини ҳам қўшди.²²

Интервью журналист учун бир томондан ахборот берадиган инсон билан мулоқотга киришиш орқали маълумотни олиш усули бўлса, иккинчи томондан суҳбат, диалог шаклидаги публицистик жанр ҳисобланади. У журналистнинг суҳбатдошига савол билан мурожаати орқали мавзунини янада чуқурроқ, тўлиқроқ очишига ҳаракат қилади. Таъкидлаш керакки, интервью

²² Абдуҳолиқов И., Каримов А. Тележурналистика асослари. - Тошкент.: 2005. -Б.57.

журналистдан алоҳида тайёргарликни талаб этади. Жумладан, у суҳбатга руҳий жихатдан тайёр бўлиши керак. Ижодий фаолиятини эндигина бошлаган ёки журналистларнинг аксарияти кўпинча бир хил хатога йўл қўяди. Улар савол бериш жавоб қилишдан осонроқ, деб ўйлашлари учунми, кўп ҳолларда ўзлари берадиган саволларга эътиборсиз бўладилар. Бундай хатога йўл қўймаслик учун журналист суҳбатга тайёрланиш жараёнида, аввало, суҳбатдоши ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, уни батафсил ўрганиши ва шундан келиб чиқиб, саволларни олдиндан тайёрлаб қўйиши керак. Интервьюда ўзига хос савол бериш санъати мужассам. Журналист савол бериш жараёнида кўп маъноли тушунчалардан қочиши, саволларни қисқа, аниқ шаклда тузиши керак. Чунки узундан узоқ саволга суҳбатдош тушунмаслиги ёки чалғиб қолгани боис, унга тўғри жавоб беролмаслиги мумкин. Баъзи мутахассислар саволларни «контакт саволлар» (мулоқот босқинида бериладиган саволлар), «адресли саволлар» (биографик анкета саволлари), «дастурий интервьюга тайёрланаётган журналист аввало суҳбатдошининг қайси категорияга масуллигини аниқлаб олиши зарур саволлари» (мавзу юзасидан бериладиган саволлар) кўринишларига ажратадилар.

Бунинг учун журналистика жанрлари назарияси ҳақидаги тадқиқотларни кўздан кечириш зарур бўлади. Бу борада тадқиқот олиб борган Э.Фихтелиуснинг ёзишича, интервью берувчилар одатда уч категорияга бўлинади:

1. Сиёсат ва давлат арбоблари, мутахассислар ва бирор соҳа юзасидан аниқ билимларга эга шахслар; 2. Машҳурлар; 3. Биз кўчада, ишда учратадиган оддий одамлар. Улардан бирор воқеа юзасидан жамоатчилик фикрини билиш учун интервью олинади. Интервью асосан қуйидаги турларга бўлинади: протокол интервью - давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақидаги расмий маълумот ва изохларни олишда фойдаланилади. Айрим ҳолларда тажрибали журналистлар ҳам интервью турини бузиб қўллашади. Масалан, Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Маргарет Тетчер Москвага қилган илк ташрифи чоғида

журналистлар ундан интервью олишган. Аммо интервью муваффақиятсиз чиққан.²³

Интервьюда бирор долзарб мавзу, масала ёки воқелик юзасида респондентнинг яъни интервью берувчининг фикри муҳим. Бунинг учун журналист шундай саволни бериши керакки, суҳбатдоши биринчидан, савол ҳақида ўйласин, иккинчидан саволга жавоб беришга қизиқсин, учинчидан саволнинг масъулиятини ҳис қилсин, тўртинчидан журналист билан ҳисоблашсин.

Расмий интервьюда йўл қўйиладиган энг катта хатолардан бири журналистнинг ўз фикрини баён қилишида намоён бўлади.

Ахборий интервью - ахборий-жанрлар таркибига кирувчи ушбу тури экрандаги мулоқотнинг кенг тарқалган усули бўлиб, асосий мақсад аниқ маълумотлар олишдан иборат. Суҳбатдошнинг жавоблари расмий бўлмайди, шунинг учун ҳам мулоқот оҳанги оддийга яқин. У ҳиссиётга бой бўлиши ҳам мумкин, бу эса ўз навбатида ахборотнинг яхши “ҳазм” қилинишига имкон беради. Журналист интервьюга тайёр бўлиб, тахминий саволларни бузиб олгандан кейин танлаган суҳбатдоши билан боғланиб унинг вақтини, суҳбатлашиш мумкин бўлган жойини аниқлаштириб олиши керак. Шу ўринда интервьюга тузиладиган саволлар хусусида яъна шунингдек таъкидлаш мумкинки, айрим респондентлар журналист бориши билан саволларни сўрайди. Бу ерда интервьюнинг психологияни ҳисобга олиши мақсадга мувофиқдир. Чунки айрим суҳбатдошлардан интервью олиш асоси, айримлари ўта кибрли, такаббур бўлиб, бундайлар кўп ҳолларда журналистни менсимайди. Шунинг учун интервьюга киришувчи журналист бундай психологик босимга эга ҳиссиётларни ҳисобга олиши ва унга тайёр турмоғи мақсадга мувофиқдир. Ғарб назариётчилари бундай жиҳатларга алоҳида эътибор беришни таъкидлайдилар.

Эрик Фихтелиус интервьюни қуйидаги турларга бўлади:

²³Фихтелиус Э. Журналистиканинг ўн қоидаси. Шарқ нашриёт-манбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. -Тошкент.: 2002. -Б.74.

Журналистлар доирасида интервьюни “синхрон” деб ҳам аташади. Бу атаманинг пайдо бўлиши илдизлари ҳали овозлар алоҳида махсус тасмаларга ёзиладиган дастлабки овозли фильмлар даврига етиб боради. Монтаж вақтида овоз ва тасвири уйғунлаштириш керак бўларди. Тўғри ҳозир бу усулдан ҳеч ким фойдаланмайди, бироқ ушбу тушунча йўқолиб кетмади ва атама сифатида журналистлар орасида сақланиб қолди.

Ахлоқий норма ва амалий усуллар тўлалигича интервью турига боғлиқдир. Умрида бирон марта интервью бермаган киши билан тажрибали сиёсатчидан интервью олишда бир хил ёндашиб бўлмайди. Қарашлар интервьюси, кўзи билан кўрганлар интервьюси, конфронтация интервьюси, матбуот конференцияси ва фактик интервьюлар бир-биридан фарқ қилади.

Қарашлар интервьюси – интервьюлар ичида энг кенг тарқалгани. Бунда суҳбатдош машҳур сиёсатчи ва олим айтиш чоғида ҳеч ким танимайдиган ўткинчи бўлиши мумкин. Бундай интервьюдан мақсад интервьючининг аниқ бир масала бўйича фикрини билишдир.

Эресун бўғози орқали кўприк қуриш ҳақида сиз нима дейсиз?

Уни атроф-муҳитга таъсири бўлармикан?

Нимани назарда тутяпсиз?

Бундай интервьюларни мураккаблаштириб юбориш ярамайди. Унинг мақсади интервьючиларнинг қарашларини ифодалашгагина қаратилган. Саволга жавоб бераётган кишининг фикрини кейинроқ, бошқа қарашлар билан тўқинаштириш ёки репортёр саволлари билан тўлдириш мумкин. Бундай интервьюда кенг тарқалган услублардан бири бир суҳбатда икки томонни ҳам акс эттириш бўлиб журналист саволларида бир-бирига зид қарашлар акс этган бўлиши керак. Интервьюнинг бу турида журналист сиёсатчига икки сиёсий қарама-қарши қутбга эга бўлган саволлар билан мурожаат қилса, йирик муассаса раҳбарига акционерни ҳамда ташкилот ишчиларини қандай

ташвишлари борлиги ҳақида сўраши жоиз. Бу ҳолатларда журналист суҳбатдошнинг далил ва исботларини эшитиш учун савол беради.

Маҳмадона сиёсатчи билан суҳбатда уни сиқиштириб талвасага тушириб қўйиш учун ҳам журналист ҳужумкор йўлни танлаши мумкин, лекин кўчадан ўтаётган одамга нисбатан доим хушмуомила бўлмоғи даркор. Бирор нарсага норозилик билдирган, биор қарор-қонундан қоникмаган ҳар бир инсон ўз фикрини тушунтира олиши ва уни ҳимоя қила билиши зарурдир. Кўпгина журналистлар оддий кишилар билан суҳбатда уларни ранжитмаслик учун кескин, ўткир саволлар беришдан ва инкор қилишдан атайлаб қочадилар.

Кўрган киши билан интервью – фалокат, касофат ёки жиноят каби воқеа-ҳодисаларни кўрган, билган киши билан суҳбат.

Нима бўлганлигини сўзлаб берсангиз!

Нималарни ўзингиз кўрдингиз?

Бунинг ҳаммаси қандай бўлди?

Ҳозирги туйғуларингиз қанақа?

Кўрган киши билан суҳбат бошланишида мухбирнинг жим туриши энг яхши саволдан ҳам кўпроқ самара беради. Довдираб, эсхонаси чиқиб кетган кишилар, кўпинча, ўзларини одатдагидек тута олмайдилар: ўз хатти-ҳаракати ва ҳаяжонини бошқара олмайдилар.

Оммавий ахборот воситаларида энг қизиқарли жанр бу албатта инетрвью ҳисобланади. Дунёда чиқиб турадиган деярли барча газеталар, журналларда бу жанрга оид материаллар кўпдир. Журналист оммага нима етказиб беради? Албатта ахборот омма ахборотларсиз яъни янгиликларсиз бутун бир дунёдан узилиб қолгандай ҳис қилади бунда эса журналист ёрдамга келади. Интервьюда ахборотнинг ўрни беқиёсдир. Журналист интервью олиш пайтида маълум бир маънода фактлар, далиллар йиғиб саволлар тузиши зарур. Интервью олаётган

журналист суҳбатдошининг позициясини яхши ўрганиб ундан ўзига керакли бўлган ахборотларни тўплайди.

II БОБ ИНТЕРВЬЮ ОЛИШНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАРИ ВА ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ.

2.1.Интервьюни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларда журналист масъулияти.

Профессионал журналистикада ўз суҳбатдошида қизиқарли, информაციон ҳамда жавоб беришга хоҳиш уйғотган савол энг яхши савол ҳисобланади. Агар муаллиф, аниқроғи журналист интервью пайтида тўғридан-тўғри масалага кўчса ёки “Хўш айтинг-чи, нима янгиликлар?” деб қўя қолса. Агар иккинчи усулни танласа, суҳбатдоши бу ҳақида жуда узоқ вақт гапириши, ҳатто “қулоғига лағмон осиши” мумкин.

Кўпчилик журналистлардан эшитамиз: “Бизнинг одамларимиз эркин гапришни билишмайди, ҳаммага ёд бўлиб кетган умумий, сийқаси чиққан гапларни ёдлаб олгандек гапиришади, шунинг учун материал ҳам қизиқ чиқмайди”. Назаримизда бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки ундай баҳода бир томонламаликка йўл қўйилади. Аслида гапира олмайдиган суҳбатдошни гапиртира олиш бошловчи-журналистга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Оммавий ахборот воситалари соҳаси доирасида яратилган қонунчилик асослари сирасига муаллифлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам киради. Муаллифлик ҳуқуқи фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва ундан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинишидир. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунига биноан, муаллифлик ҳуқуқи тушунчаси ОАВ фаолиятига нисбатан, унда чоп этилган ижтимоий ҳаёт ва у билан боғлиқ барча соҳаларга тааллуқли бўлган асарларга, мақолаларга нисбатан уларнинг мақсади ва кадр-қиммати, шунингдек ифодаланиши усулидан қатъий назар, татбиқ этилади. Муаллифлик ҳуқуқи меъёрини оловчи ҳар қандай асар оғзаки, ёзма ёки уни идрок этиш, яъни тасаввур этиш ва

тушуниш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим (15-модда).²⁴

Босма оммавий ахборот воситларида муаллифлик ҳуқуқи эълон қилинган материалларга, мақолаларга, асарларга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, тамойиллар, тизимлар, таклиф қилинадиган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан қўлланилмайди.

Оммавий ахборот воситаларига оид муаллифлик ҳуқуқи объектига нималар киради? Бу ҳақда гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот соҳасида фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг икки тури билан доимий ишлашга тўғри келади. Булар: мулк ҳуқуқи объекти сифатида ахборотлар билан ҳамда мутлақ ҳуқуқларнинг (интеллектуал мулк) объекти сифатида асарлар билан ишланади. Даврий босма нашрларда учрайдиган муаллифлик ҳуқуқи объектлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) таҳририятларнинг штатдаги ходимлари яратган (хизмат) асарлари. Буларга: мақола, интервью, репортаж, очерк ва бошқа шу сингари журналистлик асарларини киритиш мумкин;

б) штатдан ташқари мухбирлар, чет муаллифларнинг журналистлик ва бадиий асарлари;

в) фотография ва тасвирий санъат (расмлар, карикатуралар) асарлари;

г) нашрни саҳифалаш ва босмахона безаклари бўйича яратилган муаллифлик ишлари.

Бу каби муаллифлик объектлари қонуннинг 16-моддасида, адабий асарлар (адабий-бадиий, публицистик, илмий-ўқув ва бошқалар) номи билан қайд этилган.

²⁴Тошпўлатова Н. Журналистиканинг ҳалқаро ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. -Тошкент.: 2012. –Б.56.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқи объектларига (аудиовизуал асарлар) кино, теле ва видеофильмлар, слайдфильмлар, теле ҳамда видео асарлар) радиоасарлар; шунингдек, асарларнинг қисмлари, уларнинг номлари ва ҳосила асарлар киради.

Интервью-суҳбатга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифлар тариқасида интервью берган шахс билан интервью ўтказган ва уни ёзиб олган шахсга нисбатан ҳам тегишлилиги мазкур қонуннинг 14-моддасида қайд этилган. Шунингдек, интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ва эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билангина йўл қўйилади. Бунинг сабаби нимада? Қонуннинг ушбу моддасини филология фанлари доктори Хуршид Дўстмуҳамедов шундай шарҳлайди:

“Биринчидан, интервью берувчи, яъни ахборот манбаи таҳририят ходимларига оғзаки жавоб берди, дейлик. Ўзининг оғзаки нутқидан қаноатланмаслиги, шу сабабли оғзаки айтган гаплари қоғозда қандай акс этишини кўзи билан кўриб, ўқигачгина жавобларидан кўнгли тўлиши мумкин.

Иккинчидан, мухбир оғзаки ифода этилган маълумотни ахборот берувчи шахснинг тилидан олинган маънодан буткул бошқа мазмунда ёзиб юбориш эҳтимоли ҳамиша бўлади.

Учинчидан, интервью олиш чоғида ахборот манбаининг кайфияти, саломатлиги бўлмаслиги мумкинлигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.

Тўртинчидан, интервью берилган ва у эълон қилинган вақт оралиғида сўз юритилаётган ҳолат-вазиятда жиддий ўзгаришлар юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Санаб ўтилган тўрт ҳолатнинг ўзиёқ (амалиётда бундан бошқа кўплаб сабаблар вужудга келиши ҳам мумкин, албатта) журналистнинг бир нарсани — оғзаки олинган интервью матни билан ахборот манбаини таништиргачгина, эълон этишни талаб қилади”.²⁵

²⁵ Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Монография. –Тошкент.: 2007 –Б.132-133.

Олимнинг фикрларини тасдиқлаган ҳолда, яхшиси бундай розиликни интервью берган шахснинг танишиб чиққан матн остига имзо қўйдириш орқали расмийлаштириб қўйиш керак. Бундай матн чоп этилгандан кейин ахборот манбаининг эътирозига ўрин қолмайди.²⁶

Аммо телевидение ёки радио орқали интервью берган ахборот манбаининг розилиги ҳам матбуот учун интервью берган ахборот манбаи билан бир хил мақомга эгами? Яъни кўрсатув ёки эшиттириш тайёр бўлгандан кейин уни, аввало ахборот манбаига кўрсатиб олиш ёки эшиттириб кўриш керакми? Ушбу қонуннинг 1996 йилда қабул қилинган нусхаси 14-моддаси 2-бандида: “Интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ва эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади” дейилган бўлса, қонуннинг 2006 йилда қабул қилинган янги таҳрирдагисида бу банд тушириб қолдирилиб, фақат 16-модда умумий интервьюгагина муаллифлик ҳуқуқини қайд этади.

Муаллиф асарда ўз исм-шарифи, таҳаллусини кўрсатган ҳолда ёки имзосиз фойдаланиш ёки шу тарзда фойдаланишга рухсат бериш борасидаги алоҳида ҳуқуққа эгадир. Шунингдек, муаллиф матбуотда эълон қилинган ёки қилиниши керак бўлган ўз асарларига, ижоди маҳсулотларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши ҳамда унга ўзининг розилигисиз бирон бир шахс томонидан ўзгартиришлар ёки қўшимчилар киритилишидан, қисқатирилишидан ҳимоя қилиш борасида алоҳида ҳуқуққа эгадир. Муаллифнинг розилигисиз ўзгартириш киритилмайди. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” қонунга мувофиқ, фақат ҳуқуқ эгаси асарларни эркин кўчириб, босишни таъқиқлаши мумкин.

ОАВнинг босма шакллари ёки телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларга нисбатан ҳаммуаллифлик ҳуқуқи ҳам қонунга мувофиқ бошқа ҳаммуаллифларнинг биргаликда яратилган асарлари сингари қафолатланади. Қонуннинг 12-моддасига биноан, икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган

²⁶Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Монография. –Тошкент.: 2007 –Б.132-133.

муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади. Шунингдек, телевидениеда яратилган кўрсатувлар учун режиссёр, сценарий муаллифи, оператор ва муҳаррирлар ҳаммуалифлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунда муаллиф, аввало журналистик асарни ўзи томонидан яратилганини исботловчи далилларга эга бўлиши керак. Шу ўринда бир мисол. Эндигина амалий фаолиятини бошлаган ёш журналистлардан бири машҳур кўшиқчидан интервью олиб, газетага берган. Кўп ўтмай худди шу интервью озгина ўзгаришлар билан газета ходимининг номи билан чоп этилган. Журналистдан даъво қилиб таҳририятга борган. Ундан “интервьюни сен олганингни ва ёзганингни нима билан исботлайсан”, деб сўралганда, у буни кўшиқчи тасдиқлаши мумкинлигини айтган. Ҳақиқатдан ҳам кўшиқчи ёш журналистнинг интервью олганини тасдиқлаган, лекин суҳбат матнини кўрмаганлигини ҳам тан олган. Кўшиқчи газета ходимининг ҳам интервью олганини эътироф этган ҳолда, унинг матнини ҳам кўрмаганлигини, аммо газета ходими уни телефон орқали ўқиб берганлигини айтган. Шунда ҳам ёш журналист газетадаги матн унга тегишли эканлигини айтиб туриб олгану, буни исботлаш учун қўлёзмаси, ҳатто қораламаси ёки тузиб чиққан саволларини ҳам кўрсата олмаган. Демак, бундан кўринадикки, ҳар бир киши муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун унинг ўзига тегишли эканлигини исботлай олиши керак. К.Баҳриевнинг фикрича, муаллифлик ҳуқуқи моҳиятан асарнинг мазмунини эмас, шаклни қўриқлайди. Демак ўз-ўзидан мазмун муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинмайди, қонун мазмуннинг ўзига хос ва бетакрор ифода шаклини ҳимоя қилади.

Шу нуқтаи назардан матбуот нашрларига муаллифлар томонидан берилган мақолалар таҳрир қилинади. Мақола чоп этилгандан кейин муаллиф муҳаррирни қисқартириб ташлаганликда айблаб, жанжал кўтаради ва

муаллифлик ҳуқуқини талаб қилади. Қонунга мувофиқ таҳририят муаллифнинг мақоласи таҳрир қилиниши мумкин, аммо нашр этишга тайёрланган, яъни таҳрир қилинган шакл муаллифга кўрсатилиши керак. Агар таҳрирга рози бўлмаса, муаллиф сифатида материални қайтариб олиши мумкин.

ОАВ фаолияти доирасида муаллифлар билан белгиланган тартибда ишлайди. Улар қуйидагилардан иборат:

- ОАВ муаллифлар билан шартнома тузган ҳолда уларнинг асарларидан фойдаланиши лозим;
- хорижий муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг асарларидан лицензия асосида фойдаланиш мумкин;
- асардан фойдаланганда, унинг манбаси ва ҳуқуқ эгаси номи билан албатта кўрсатилиши керак;
- таржима материаллари берилганда ҳуқуқ эгаларининг розилигини олиш;
- асардан фойдаланганда унинг дахлсизлигига путур етказмаслик зарур;
- материалларидан фойдаланганда, албатта ҳуқуқ эгаларига белгиланган тартибда муаллифлик ҳақи тўлаш талаб этилади;
- интервью олишда ва уни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш, интервью берувчига тегишли муаллифлик ҳақини тўлаш лозим;
- рекламада асарлардан фойдаланишда ҳуқуқ эгасидан алоҳида рухсат олиш ва бошқалар.

Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида қонунчиликда муаллифларга ҳақ тўламай ва уларнинг розилигисиз асарлардан қисқа ахборот тайёрлашга фақат фавқулодда ҳолатлардагина фойдаланишга йўл қўйилади. Бу талаб асосан жамиятни тезкор ва муҳим ахборотлар билан таъминлаш, воқеа ва ҳодисалар ҳақида фуқароларни ўз вақтида хабардор қилиш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилади.

ОАВда муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ низолар, аввало Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” ги қонунда кўрсатилган меъёрлар асосида, шунингдек “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” қонунга биноан ҳал этилади. Муаллифлик ҳуқуқни бузган шахс жиноий жавобгарликка тортилади ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасига биноан қонун олдида жавоб беради.²⁷

Интервьюга жон бағишлаш учун, суҳбат маромига мос саволлар учун журналистда тинглаш қобилияти бўлмоғи зарур. Интервьюга тайёргарлик кўриш, саволлар тузиш-у уни ёзиб олиш бу ишнинг ярмидир. Ўз суҳбатдошини жон қулоғи билан тинглаш муваффақиятли интервьюнинг иккинчи ярмидир. Жуда изчил тайёргарлик натижасида журналист ўз саволларни шунчаки бефарқ бериши ва суҳбатдошининг жавобини тингламаслиги мумкин. Бундай журналистнинг ўй ҳаёлида: “Тезроқ тугатсаю жавобни ва қаҳрамоннинг кейинги савол билан гарсиратиб қўйиши афзал” Бундай ишнинг оқибатида бир маромли, қолипчи ва совуқ интервью туғилади.

Хулқ масаласи:

Интервью олмоқчи бўлган кишининг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилиш керак. Агар у мўлжалланган интервьюнинг шарт-шароитини: қайси каналда берилиши, қайси дастурда кўрсатилиб, қанча вақт давом этишини, масаланинг моҳиятини билишни истаса, имкони борича бу билан ҳисоблашмоқ керак.

Белгиланган суҳбатнинг қамраб олувчи масалаларнинг аввалдан аниқлаш қийин, бу зарур ҳам эмас. Зотан, уларнинг кўпи суҳбатдошнинг жавобидан келиб чиқади, бундан ташқари доимо кутилмаган ва тўсатдан берилган савол-жавобларга имкон қолдириш зарурияти ҳам бор. Бошқа томондан қаралса,

²⁷Тошпўлатова Н. Журналистиканинг ҳалқаро ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. -Тошкент.: 2012. –Б.63.

журналист суҳбатдошига интервьюнинг мақсади, йўсини ҳақида гапириб бериши ва муҳокамадаги мавзунини ойдинлаштириши мумкин.

Агар комуникатор бирон-бир қарори ёки қилмиши учун танқид қилинса, у танқидга жавоб бера олиши учун ҳолис ва ҳалол имконият яратмоқ лозим. Афсуски, кўпгина журналистлар бунга риоя қилмайдилар. Бу интервьючига нисбатан одобсизлик ва адолатсизликдир. Интервьюни суҳбатдош учун тузоққа айлантириш ярамайди. У ўз шаънига билдирган дашномлар учун жавоб бера олиш имконига эга бўлиши керак. Бошқа томондан мухбир ҳамма саволларни ўрни келганда беришга, қайсидир жавобига аниқлик киритишни талаб қилишга, ҳатто суҳбатдошининг тўсатдан берилган савол билан шошириб қўйишга ҳақлидир.

Агар интервью берувчи киши интервьюда қатнашиши учун муайян шарт-шароитлар яратилишининг талаб қилса, унда мухбир ёки унинг таҳририятининг қилиши керак? Биринчидан ҳар бир киши интервью беришга мажбур деган қонун йўқ. Иккинчи томондан, ОАВ вакиллари билан суҳбатдан ўзининг олиб қочаётганларга журналист саволлар беришга ҳақлигини эмас, ҳатто бурчлидир.²⁸

Аслида, интервью беришининг сўраган ҳар бир одамингиз суҳбат учун муайян шартларни қўйиш эҳтимоли бор. Таҳририят, агар бу талабларни ўринсиз деб билш, уни рад этишга тўла ҳақлидир.

Қатор мамлакатларда репортёрлар телефон орқали сўзлашувларни такрор суҳбат баённомаси учун диктофонларга ёзиб оладилар. Айрим таҳририятларда буни бир истисно деб эмас, балки қоида сифатида қабул қиладилар. Ёзиш асносида журналист суҳбатдошига сўзлашув ёзиб олинаётган ҳақида маълум қилиши керак. Бу ҳолат диктофон ён дафтарча вазифасининг ўташининг таъкидлаш зарур. Бундай ёзув оммалаштириш учун, газетада чоп этиш учун мўлжалланмайди. Агар суҳбатдошга ёзиб олинаётгани ҳақида айтилмасу-ю,

²⁸Фихтелиус.Э. Журналистиканинг ўн қондаси Шарқ нашриёт-манбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент. 2002. –Б.83.

унинг ўзи сўраб қолса, жавобдан ўзини олиб қочиш ярамайди яхшиси, амалий мақсадлар юзасидан ёзиб олинаяпти, деб тўғри жавоб бериш мақсадга мувофиқ.

Интервьюни қуйидаги савол билан - Сухбатимизда ҳеч нарса эсимиздан чиқиб қолмадими? тугатишга одатланиш керак.

Интервью жараёнининг психологик мураккабликларини газеталарда чоп этилган материаллар мисолида таҳлил қилиш асносида Японияда чиқадиган “Асахи шинбун” газетаси ҳамда Ўзбекистонда чиқадиган “Ўзбекистон овози” газетаси чоп этилган қатор интервьюларни ўрганиб, қиёсий жиҳатда солиштиришга муваффақ бўлдик.

Энг нуфузли ҳисобланган газета – “Асахи шинбун” нашридир. “Асахи шинбун” кунлик газета ҳисобланиб, 1879 йил Осака шаҳрида ташкил этилган. “Асахи шинбун” нуфузли мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий газетаси сифатида жамиятнинг барча соҳаларини кенг ва атрофлича ёритади. Биз унинг саҳифаларида чоп этилган барча материалларнинг ичида интервьюларни ажратиб, ўрганишга муваффақ бўлдик.

Мавзумиз доирасида таҳлилга тортилган интервьюларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

“Асахи шинбун” газетасининг 2013 йил 12 январь сонидаги чоп этилган “Дунёдаги курашувчи куч” сарлавҳали интервью Япониялик машҳур архитектор Андо Татао билан қилинган. Интервьюда журналист Таноко Ючиру томонидан қуйидаги саволлар берилган:

Ҳозирда дунё миқёсида глобаллашув борган сари авж олиб бормокда бу жараёнда Япония бошқа давлатлардан орқада қолмаяптими?

-Японияда глобаллашув жараёни қандай акс этаяпти?

-Мутахассисларнинг фикрича иқтисодий ривожланишда Хитой ҳам Ҳиндистон ҳам Япониядан илғорлаб кетган деган қараш бор. Бунга сизнингмуносабатингиз?

Журналист савол бериш жараёнида қуйидаги камчиликларга йўл қўйди:

Биринчидан , журналист интервью олиш пайтида Япония давлати ҳақида аниқ маълумотлар асосида савол бериши керак.

Иккинчидан , журналистсуҳбатдошига мутахассислиги бўйича савол бериши керак.

Интервьюнинг ютуғи: биринчидан; дунёда акс этаётган глобаллашув жараёни ҳақида савол бериши газетхоннинг эътиборини тортади. иккинчидан; Журналист саволга жавоб беришга тўғри йўналиш кўрсата олди.

Яна “Асаҳи шинбун” газетасининг 2013 йил 14 февраль сонидagi “Маҳаллий шифохоналар сонини кўпайтириш” номли интервьюда Соғлиқни сақлаш ходимлари билан суҳбатлашди. Япониянинг ҳозирги кунда вилоят ва туманларда долзарб муаммога айланган даволаш шифохоналар сонини кўпайтириш ва уларни сифатини яхшилаш масаласига эътибор қаратилади.

Интервьюда мухбир Яко Тимо шифокор Тамура Сайоко, Йокўра Гисе ва Васито Ючируга қуйидаги саволларни берган:

-Вилоятлардаги шифохоналар билан боғлиқ муаммони қандай ҳал этиш мумкин?

-Маҳаллий шифохоналар сонини кўпайтириш учун қандай ишлар амалга оширилаяпти?

-Шифохоналарни кўпайтириш баробарида даволаш усулларини ҳам тезкор тартибда амалга оширишнинг йўллари борми?

-Даволашнинг янги усулларини ҳам ўйлаб кўрдингизми?

-Бундай жамоат ишларида ёш кадрларнинг фикри билан ҳам қизиқдингизми?

Интервьюнинг ютуғи: биринчидан; долзарб мавзу танланганикинчидан; журналист муаммодан яхши хабардор, бу унинг даволлашнинг янги усуллари сўраганидан кўринади, учинчидан; вилоятлардаги шифохоналар билан боғлиқ муаммони очиб беришга эришган. тўртинчидан; саволда ёш кадрларга берилаётган баҳо ва катталарнинг уқолга муносабатига эътибор қарата олгани мақсадга мувофиқдир.

Яна “Асаҳи шинбун” газетасининг 2013 йил 13 июнь сонида “Дунё талофат остида” сарлавҳали интервью чоп этилди.

Интервьюда Япониянинг зилзила бўлган шаҳарларидан талофат кўрган жойларини масалан биноларни, ерларни кўздан кечирган ҳолда муаммони олиб чиққан Фавқулудда вазиятлар ходими Ҳакуҳодо Харада билан суҳбат бўлиб ўтди.

Интервьюда журналист Рюске Хиран қуйидаги саволлар билан мурожаат қилган:

-Япониянинг Фукуоку шаҳрида зилзила бўлганда қандай чора тадбирлар кўрилди?

-Зилзила бўлаётган вақтда одамлар ўзини қандай ҳимоялаши мумкин?

-Жабр кўрганларни психологик жихатдан қандай қўллаб қувватлаш мумкин?

-Фавқулудда вазиятларда инсон ўзини қандай бошқариши керак.

Интервью жараёнида журналистнинг ютуқлари долзарб мавзунини олиб чиққани, ҳамда журналист саволлари одамларга руҳий таскинлик бера олди, мавзу қизиқарли ёритилган. Суҳбатнинг ютуқлари билан бирга камчиликлари ҳам кўзга ташланади журналист саволларга тўлиқ жавоб ололмаган саволлар қизиқарли аммо жавоблар тўлиқ ёритилмаган. Журналист ва суҳбатдош учун қулай имкониятлар яратилмаган.

“Асаҳи шинбун” газетасининг 2013 йил 27 февраль сонида “Хитойликлар сиёсатга талабчанлик билан ёндашади. Битта оила-битта бола” сарлавҳали интервью чоп этилган бўлиб унга кўра интервьюда Хитой давлати сиёсатида “Битта оила-битта бола” атамасининг кириб келиши ҳақида ва бу атамага фуқароларнинг қарашларини интервьюга киритган Токионинг Қишлоқ хўжалик Университети профессори Кейко Вакабаяси билан суҳбат ўтказган.

Интервьюда журналист Кейко Ёсиока томонидан қуйидаги саволлар берилган:

-Шарқий Хитой даврида олдинлари бундай сиёсат юритилмасди сиз янги сиёсатга қандай муносабатдасиз?

-Янги сиёсат давлатдаги иқтисодий ўзгаришлар туфайлимикин сиз нима деб ўйлайсиз?

Интервьюда долзарб мавзу ёритилган журналист бошқа давлатнинг ҳамдўстлиги сифатида Хитой давлати сиёсатини аҳолисидан фикр-мулоҳазаларини ёритиб беришга ҳаракат қилган.

Журналистнинг суҳбатдошига саволларни ким берган агар кўпроқ саволлар берганда интервью янада қизиқарли чиқарди.

“Ўзбекистон овози” газетаси 2013 йил 21 апрель сонида “ XXI аср муқобил энергия асри бўлади” мавзусида долзарб мавзуда Тошкент давлат техника университетининг электроника ва микроэлектроника кафедраси профессори Муҳаммадкабир Боҳодирхонов билан қилган интервью чоп этилган.

Интервьюда журналист Шухрат Исломов томонидан суҳбатдошига қуйидаги саволлар билан мурожаат этилган:

-Муқобил энергия тушунчаси фанга қачон кириб келган?

-Ўзбекистон муқобил энергия борасидаги илк тажрибани кимлар ўтказган?

-Жаҳонда муқобил энергиядан фойдаланишда қайси мамлакатлар етакчилик қилмоқда?

-Муқобил энергия билан ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам таминлаш мумкинми?

-Ҳозирги кунда бу борада Тошкент давлат техника университетида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Интервью долзарб мавзуга бағишланган. Журналист мавзунини яхши ўрганган. Бу масалада маҳаллий ва дунё янгиликларидан хабардор. Сухбатдошнинг диққатини мавзуга қарата олган. Аммо шу ютуқлар билан камчиликлари ҳам кўзга ташланади масалан: биринчидан: саволларда жонлилик етишмайди иккинчидан: саволлар мазмунини бир хил акс этган учинчидан: журналист сухбатдоши мавзудан чиқиб жавоблар берганига эътибор қаратмаган.

“Ўзбекистон овози” газетаси 2013 йил 19 февраль сонида “Бепул ва пуллик тиббий хизмат” сарлавҳали интервью чоп этилган. Шунга кўра фуқоролар соғлиғини сақлаш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигидан интервью олинган. Интервьюда тиббиётнинг қайси соҳаси бепул ва қайси соҳаси пуллик дори дармонлар билан бепул таъминланиши ва даволанаётганлар учун қандай имтиёзлар мавжудлиги тўғрисида сухбат бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, интервью долзарб ва барча қизиқарли мавзуга бағишланганлиги билан ўқувчи эътиборини тортади.

Интервьюда журналист Обиддин Махмудов қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди:

-Сўнгги йилларда кўплаб ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этилди, улар бугун самарали фаолият кўрсатмоқда.

-Ушбу тиббий муассасаларда даволанаётганлар учун қандай имтиёзлар белгиланган?

-Амбулатория шароитида даволанаётган беморларнинг қай тифофаси бепул дори-дармонлар билан таъминланади?

-Пуллиқ хизматлар нархини ким белгилайди ва уни тартибга солиб турувчи меъёрлар ҳамда ушбу нарх-наволар устидан қайси ваколатли идоралар назорат қилиши ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

Интервьюда суҳбатдош мутахассис тўғри танланган ва суҳбат аниқ мавзу атрофида кечган шу ютуқ билан бирга журналист саволларига яна ҳам кенгроқтўхталганида ва суҳбат яна ҳам табиийроқ олиб борилганида мақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг учун журналистда кўпроқ ҳаётий воқеалар, аргументларга таяниш зарур эди. Чунки, тиббий хизматга эҳтиёжманд бўлган ҳар бир одам бу мавзуга қизиқади.

“Ўзбекистон овози” газетаси 2013 йил 11 июль “Сайлов жараёни демократлашувининг муҳим қафолатлари” номли интервью чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари билан журналист Нормул Абдураимова олиб борди. Интервьюда янги қонуннинг ташвиқотлари ва жараёнлари ҳақида сўз боради. Таъкидлаш зарурки, мавзу жиддий, мамлакатимизда қонун ижодкорлиги билан боғлиқ масала.

Интервьюда қуйидаги саволлар билан мувожаат қилган:

-Янги қонуннинг қайси жихатлари сайлов жараёнида очиқ-ойдинлик ва холисликни таъминлашга хизмат қилади?

-Қайси ҳолларда муддатидан олдин овоз берилади ва бу жараён қандай амалга оширилади?

-Янги қонун Марказий сайлов комиссияси зиммасига вазифалар юклайди? Бу борада қандай ишдар амалга оширилади?

Бу интервьюда ҳам долзарб мавзу танланганига қарамай, журналист унинг муҳимлигини кўрсатиб бера олмаган. Бунинг учун журналист қуйдаги камчиликларга йўл қўйган. Биринчидан журналист саволни нотўғри қўйган ва шунинг учун унга тўлиқ жавоб ололмаган. Иккинчидан саволлар кам шунинг учун мавзу тўлиқ ёритилмаган.

“Ўзбекистон овози” газетаси 2013 йил 11 июль сонида чоп этилган “Мақтабларнинг ярим миллиондан ортиқ битирувчиси” сарлавҳали интервью Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Хайрулла Зикриллаев билан уютирилган.

Интервьюда журналист Зухра Ҳасанова томонидан қуйдаги саволлар берилган:

-Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул тўғрисидаги қарорида Республика бўйича 26 та касб-ҳунар коллежининг қайта ихтисослашуви ҳақида тўхталиб ўтилган эди. Унда қайси коллежлар назарда тутилган? Бу жараён қандай амалга оширилади?

-Вазирлар Маҳкамаси қарорида заруратга қараб ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг қабул кўрсаткичларига ўзгартириш киритиши мумкин?

-Айрим йўналишлар бўйича касб-ҳунар коллежлари фақат Тошкент шаҳрида ёки маълум бир вилоятлардагина мавжуд. Агар битирувчи танлаган йўналиш бўйича, мутахассис тайёрлайдиган коллеж у доимий яшайдиган туман ёки вилоятда бўлмаса, бу вазиятда у қандай йўл тутди, ҳужжатларини қандай қилиб ўзи қизиққан мутахассислик бўйича коллежга топширади?

Таъкидлаш жоизки, интервью долзарб мавзуга бағишланган. Журналист суҳбатдошини мавзуга қарата олган. Интервью жорий йилдаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлардаги қабул масалалари хусусида бўлиб ўтган.

Мавзуга кўра журналист суҳбатдошига мазмунли ва ўринли саволлар берган аммо журналистнинг биров камчиликлари ҳам кўзга ташланади:

-Айрим йўналишлар бўйича касб-ҳунар коллежлари фақат Тошкент шаҳрида ёки маълум бир вилоятлардагина мавжуд. Агар битирувчи танлаган йўналиш бўйича, мутахассис тайёрлайдиган коллеж у доимий яшайдиган туман ёки вилоятда бўлмаса, бу вазиятда у қандай йўл тутати, ҳужжатларини қандай қилиб ўзи қизиққан мутахассислик бўйича коллежга топширади? Журналистнинг қуйидаги саволига суҳбатдоши мавзудан чиқиб жавоблар берганига эътибор бермаган ва мазкур савол жавобсиз қолган.

“Ўзбекистон овози” газетаси 2013 йил 28 июль сонидида “Баркамол авлод-юрт таянчи” сарлавҳали интервью чоп этилган. Интервью Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилоят филиали томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда шу жиҳатдан Сирдарё вилоят филиали ижрочи директори Норбобо Соатов билан суҳбатлашган.

Интервьюда журналист Эркин Холбобо қуйидаги саволлар билан муружаат қилди:

-Спорт мажмуаларини анжом ва ускуналар билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилаяпти?

-Вилоятдаги мавжуд болалар спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Интервьюда суҳбатдош мутахассис тўғри танланган ва суҳбат аниқ мавзу атрофида кечган шу ютуқ билан бирга журналист саволларига яна ҳам кенгрок тўхталганда мақсадга мувофиқ бўларди.

Интервью жараёнида биринчи ўринда турадиган вазифалардан бири суҳбатдошни танлашдир. Журналист интервью олишдан олдин айнан мавзусига ва саволларини тузганига қараб яъни мавзуни тўлиқ ва қизиқарли қилиб ёритиб бера оладиган суҳбатдошни танласа интервьюнинг мазмунини очиб берган бўлади.

2.2.Интервьюда томонларнинг ўрни ва у билан боғлиқ психологик муаммолар.

ОАВ жамоатчиликка ахборот етказар экан, шу етказган ахборот орқали аудитория дунёқарашига таъсир кўрсатади ва фикрлашга, муносабат билдиришга ундайди. Бу, албатта, ОАВнинг ижтимоий вазифаси моҳиятини белгилайди. Аммо ҳар доим ҳам шундайми? Мутахассисларнинг фикрига қараганда, оммавий ахборот воситалари нафақат ахборот етказиш, хабар беради шунингдек узатиш орқали психологик жароҳатларнинг кучайиши ёки камайишига сабаб бўлади. Журналист мана шу ахборотларнинг ёритувчиси асосий қаҳрамон сифатида иш юритади. Бунда унинг фаолияти бир неча кўринишларда акс этади. Шуларнинг ичида журналист фавқулодда ҳодисаларни ёритаётганда воқеликни акс эттириш жараёнида жабрланганлар билан бевосита мулоқотга киришини кўриб ўтсак.

Кўпинча ахборот тўплаётган журналист жабрланганлардан интервью олишда “энг кўрқинчли, энг оғир” воқеа, ҳолатлар ҳақида улардан сўраб-суриштиришади. Бу эса жабрланганларга далда бериш ўрнига уларни ўзлари тушган қалтис вазиятдаги кўрқув, ҳаяжон ва изтиробни қайта эслаш, ҳис қилишга мажбур этади. Масалан: Япониянинг Фукуоку шаҳрида бўлиб ўтган зилзилада жабрланганлар кўп талофатлар кўрган жойлар анчагина бўлиб талофатдан жабр кўрганлардан интервью олинганда уларга далда бериб иложи бўлса ўзларига келиб олганларидан сўнгина суҳбатлашганлари афзалдир. Шу жиҳатни инобатга олган япон журналисти Рюске Хирон ўз тажрибаларига таяниб шу воқеада иштирок этган инсонлардан эмас балки Фавқулодда вазиятлар ходими билан суҳбат қилган ва интервьюда зилзила бўлаётган пайт қандай қилиб асраб қолиш ва қутқариш ишлари бўйича бир қанча тавсиялар берган.

Мутахассислар бу ҳолатни ўрганишган. Психолог Л. Трубицына шундай ёзади: “1996 йили Чеченистоннинг Грозний шаҳри ишғол қилингандан сўнг бир ойдан кейин шаҳардаги мактаблардан бирида журналистлар болалардан “энг

кўрқинчли” нарсанинг расмини чизиб беришни сўрашган. Чизилган расмлар йиғиб олиб кетилгач, болалар ўша даҳшатга тўла таҳликали кунлар ҳақидаги хотиралар билан яккама-якка қолганлар”²⁹.

Мутахассисларнинг фикрларича, жамиятда юзага келадиган муаммоларнинг айрим сабабларидан бири бу – одамларнинг мулоқотни билмасликлари туфайли экан. Бу эса журналистика соҳасига ҳам бегона эмас. Шу боис, мулоқотнинг тўғри ва самарали ташкил этилишини таъминлаш учун унинг фақат техник жиҳатларига эмас (техник воситалар: телефон, пейжер, интернет орқали бўладиган мулоқотлар ҳеч қачон бевосита мулоқотнинг ўрнини босолмайди), балки амалий психологик жиҳатларига ҳам жиддий эътибор бериш талаб этилади.

Сўнгги пайтларда журналистика соҳасида интервью ва мулоқот алоҳида илмий мавзу сифатида ўрганилмоқда. Чунки илгари суҳбат жараёнида фақат журналистик жанр сифатида қараш етакчилик қиларди. Эндиликда интервью ва мулоқот журналистнинг ахборот билан ишлашининг муҳим таянчи сифатида эътироф этилмоқда.

Жамиятдаги турли тоифалар, гуруҳлар ҳар хил мавзуларда, мақсадларда ўзаро гаплашадилар. Бу суҳбатлар қайси мавзуда кечишидан қатъий назар томонларнинг руҳий ҳолатлари, кайфиятлари, ўзаро муомала-муносабатлари мулоқотнинг жараёнига муайян даражада таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан суҳбатни ташкиллаштириш ва давом эттиришнинг ўзига хос психологик қоидалари борки, уларни билиш журналист учун жуда муҳим.

Интервьюга киришишда ўзаро алоқани қуйидаги белгилар ташкил қилади:

-хабар;

²⁹ТошпўлатоваН. Журналистика психологияси. -Тошкент.: Сано-стандарт. 2013. -Б.73.

- мулоқот;
- нуқтаи назар;
- хушомад;
- қизиқишлар.

Интервьюга киришишда суҳбатдошнинг шахс эканлигини унутмаслик керак. Шу ўринда осон ва муваффақиятли сўзлашиш усуллари ёки йўллари борми, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Бундай усуллар йўқ. Суҳбатдошингиз билан қизиқарли мавзу ҳақида гаплашишдан олдин у одам ҳақида керакли маълумотларга эга бўлишингиз лозим. Айтайлик, суҳбатдошингизни ота-онаси, болалиги, қизиқишлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳайрон қолдиришингиз керак. Қоидага кўра, бу маълумотлар суҳбатдошингизни қизиқтиради ва у суҳбатга жиддий эътиборини қаратади.

Интервьюга киришиш учун журналистдан талаб этиладиган бирламчи хусусият билимдонликдир. Зеро, журналистик мулоқотнинг асосини билим ташкил этади. Бу билан мулоқот жараёнида у ўзининг қанчалик билимдон эканлиги намойиш этиш зарур демоқчи эмасмиз. Журналист ва ресципиент орасидаги мулоқотда суҳбатдош учун тингловчининг ўрни жуда катта. Муҳими, журналист асабий ва қизиққон бўлмаслиги шарт. Бир сўз билан айтганда, тинглай олиш маданияти журналистнинг профессионал маҳоратидан далолатдир. Тинглашнинг ҳам икки хил: рефлексив ва норефлексив тури бор.

Интервьюнинг самарали кечиши унга пухта ҳозирлик кўриш, суҳбат чоғида зарур бўладиган маълумотларни ўзлаштиришни тақазо этади. Бу нималардан иборат? Биринчи навбатда журналист суҳбатдоши тўғрисида умумий ва индивидуал маълумотларга эга бўлиши, унинг шахс сифатидаги таржимаи ҳоли билан танишиб чиқиши, ижтимоий фаолияти, қолаверса, қизиқишлари, шуғулланадиган машғулотлари, характери, табиати, ҳатто суҳбатлашиш услубигача билиши зарур. Бундан кўзланган мақсад суҳбат жараёнида булар ҳақда суҳбатдошни огоҳлантириш ёки улардан хабардор қилиш эмас, балки суҳбатнинг самарали кечишини олдиндан таъминлашдир. Бу

талаблар суҳбатнинг натижасини белгилайди. Камдан-кам ҳолларда тайёргарликсиз суҳбатга киришиш мумкин. Кўпроқ эксклюзив интервьюлар ана шундай суҳбатлар сирасига киради. Таҷрибалар кўрсатадики, интервью берувчига тааллуқли маълумотларни иқир-чиқиригача биладиган журналист респонент меҳри ва ишончини қозонади. Бу эса, яхши интервьюнинг муваффақиятли чиқиши кафолатидир.

Демак, интервью оладиган журналистсуҳбатнинг ҳеч бўлмаганда иккита специфик талабни яхши билиши керак. Биринчи талаб бу— журналистда ахборотга эга бўлган суҳбатдошни ўзига жалб қила билиш кўникмасининг мавжудлиги. Иккинчи талаб - журналистнинг суҳбатга жиддий тайёргарлик кўриши кераклиги.

Интервью олишда журналист суҳбатнинг техник қоидаларига риоя этган ҳолда, шахслараро мулоқотнинг энг оптимал шароитини ярата олиши зарур. Бу жараёнда у мулоқотнинг ташқи талабларини бажариш билан бирга, унинг турли ички талабларини ҳам назардан қочирмаслик зарур. Шунингдек, суҳбатлашиш қоида-тартибларида ҳам бир қанча ўзига хосликлар мавжуд. Асосан, худди анкетадай очиқ, ёпиқ, яримёпиқ саволлардан фойдаланилади. Интервьюда журналист берадиган ҳар бир саволнинг иккинчига саволга ва бериладиган жавобга мантиқий боғланиши талаб этиладиган аниқ тузилиши бўлади. Шу ўринда савол тушунчасига аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқдир. Савол – мантиққа асосланган бўлиб, мавжуд ахборотни ўз ичига олади ва фикрлар ҳаракатини бошқаради. Маълумот ва ахборот олишда журналистнинг асосий қуроли сифатида савол кутилмаганда респондентни баҳсга тортиши мумкин. Тўғри берилган савол суҳбатдошда жавобдан бўйин тоблашга ўрин қолдирмайди, уни борини гапиришга мажбур этади.

Журналистнинг саволлари суҳбат мавзуси, муҳити, муҳокама этиладиган муаммосидан келиб чиқиб олдиндан тузилади ёки суҳбат давомида тузилади. Масалан: “Ўзбекистон овози” газетаси муҳбири Обиддин Махмудов “Бепул ва пуллик тиббий хизмат” сарлавҳали интервьюси жуда қизиқарли чиққан бўлиб

уни ўқиган газетхоннинг эътиборини тортади. Интервьюда журналист ахборот олиш учун бор кучи билан ҳаракат қилиб қизиқарли саволлар берган, умантиққа асосланган бўлиб суҳбатдошнинг янада жавоб беришга ундайди.

Интервью учун саволларни олдиндан тузиб олиш масаласи журналистлар орасида мунозарага сабаб бўлади. Саволларнинг олдиндан тузиб олиниши муҳим психологик аҳамияти касб этишига қарамай, аксарият журналистлар тайёр саволлар интервьюни эркин ташкил этишга ҳалақит беради, деган субъектив қарашга мойил. Бу бизнингча нотўғри қараш. Чунки, биринчидан, савол тузиб олиш журналистнинг суҳбатга киришиш арафасида тайёрлигини, руҳий хотиржамлигини кўрсатади. Иккинчидан, суҳбатдошнинг мавзудан четга чиқиб кетишига йўл қўймайди. Учинчидан, суҳбатдошга саволлар орқали аниқ йўналиш беради, уни фактлар, далилларга таяниб гапиришга ундайди. Рус шоири Андрей Вознесенский ўзининг бир шеърида “ҳақиқат жавобда эмас, берилаётган саволда” деб бежиз айтмаган эди. Демак, саволнинг вазифаси жавоб талаб қилишдадир. Бунга юқорида таъкидланган мисолимиз яққол далилдир.

Журналист фаолияти давомида турли даражадаги интервьюларни олиш мумкин. Бу интервьюларнинг самарали кечиши журналистнинг маҳоратига боғлиқ. Маҳорат деганда биз журналистнинг ўзлаштирган билимини тўғри қўллай билиши, суҳбатдошнинг характери, дунёқараши, кайфиятига мослаша олиши, суҳбат жараёнини ўзига керакли маълумотларга эга бўлишини назарда тутати. Яхши натижага эришиши учун журналист суҳбатдошини ўзига жалб этадиган турли усуллардан фойдаланади. Суҳбатдошининг ишончига кириш ва уни бошқариш учун улар эътиборини журналист муайян мафкуравий қадриятларга доир факт ва далилларга қаратишга интилади. Бу интилишнинг икки варианты бор. Биринчи вариантда бутун эътибор инсон интеллектини нофаоллиги ёки чекланган имкониятларига таъсир кўрсатиш орқали журналист қўллаган усул, заруратга ва аниқ мақсадга йўналтирилади. Иккинчи вариантда инсон ўзининг қизиқиши ва эҳтиёжлари билан муайян интеллектуал жиҳатдан

мустақил фикрга эга бўлган шахс сифатида кўринади. Бу ҳолда таъсир воситалари унчалик наф бермаслиги мумкин. Шу боис бундай тоифадаги суҳбатдошнинг тафаккурига таъсир кўрсатишга уриниш бефойда, балки уни ишончли далиллар воситасида ишонтириш керак. Бу ҳақда рус психологи С.Рощин шундай ёзади: “Журналист ишонтириш усулидан фойдаланяптими, демак, у қандайдир ғояни, мафкурани тарғиб қилаётир. Тарғиботчи турли карашлар, нуқтаи назарлар моҳиятини очиб бериш билан суҳбатдошининг карашларига ишонтиришдан манфаатдор бўлади”.³⁰ Бу вазифани тўғри амалга ошира билишда журналист ўзининг принципиал позициясидан келиб чиқади, натижа эса кўпроқ унинг ўзига боғлиқ. Натижада журналист интервьюнинг самарали ва ишончли ўтишини таъминлайди юқорида таъкидлаб ўтганимиздек суҳбатдошни ишончли далиллар воситасида ишонтиришга муваффақ бўлади.

³⁰Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси.-Тошкент.: Сано-стандарт. 2013. –Б.74.

2.3. Интервьюга тайёргарликнинг назарий, амалий, психологик жиҳатлари.

Интервью, назаримизда, ахборот олишнинг енгилроқ кўриниши. Аммо унинг ҳам ўзига яраша мураккабликлари ва ўз навбатида, меҳнатталаб жиҳатлари бор. Чунончи, мулоқотда суҳбатдошнинг шахсий ва ижтимоий мақоми, ҳаётий нуқтаи назари, воқеликка муносабатини белгилаб олиш журналист учун муҳимдир. Шунга қараб у суҳбатдоши учун қулай имконият туғдириши лозим.

Суҳбат жонли асосланиши боис, журналист зиммасига ўзига хос вазифаларни юклайди. Биринчи ва асосий вазифа мулоқот орқали суҳбатдошнинг фикрини аниқлаб олишдир. Журналист мулоқот жараёнида имкон қадар бетараф бўлиши билан бирга суҳбатнинг стихияли тарзда давом этишига йўл қўймаслиги керак.

Интервьюга киришишда энг муҳими нима, деган саволга рус тадқиқотчиси Г.Лазутина камида бешта асос кўрсатади. Булар: фактик маълумотлар, фикр, тушунча, таклиф, башорат. Зеро, бу асосларнинг ҳар бирини ҳар хил тушуниш, талқин қилиши мумкин. Масалан, фикрнинг ўзи ижобий (позитив) ёки салбий-(негатив)га бўлинади. Фактлар ҳам иккига: асосий ва асосий бўлмаган фактларга бўлинади ва ҳоказо. Табиийки, мулоқот жараёнига тайёргарлик кўриш ҳам ҳаммада бир хил кечмайди. Журналистдан мулоқот давомида суҳбатдошининг хулқи билан боғлиқ нозик жиҳатларга эътиборли бўлиш ва муайян тактик усуллар билан қуролланиш талаб этилади³¹. Агар журналист суҳбатдошининг сўзларини диққат билан эшитишни, тинглашни билмаса ва унинг ўйлаш учун сақлаган сукутини навбатдаги савол учун қилинган пауза деб тушунса. Интервью бераётган шахс фикрини

³¹ТошпўлатоваН. Журналистика психологияси. -Тошкент.: Сано-стандарт. 2013. –Б.91.

тугатмасдан мухбир томонидан берилган саволдан ёмон нарсa йўқдир чунки мухбир суҳбатдошнинг шахсиятига текган бўлади.

Суҳбатдош ўткир саволдан қочиб, умумий сўзлар билан жавоб беришдан нари ўтмаса ёки ҳазил-мутойиба билан қутулиб кетаман, деб ҳаракат қилса-ю, ва шу вазиятдан чиқиб кетишга унга имконият берилса бунда журналистнинг айби каттадир бу пайтда журналист пухталиқ билан вазиятдан чиқиб кетиб суҳбатдошни мавзуга қайтариши зарур бу пайтда журналистик маҳорат асқотади.

Агар журналист суҳбат давомида суҳбатдошидан аниқ интервью олмоқчи бўлса унда саволлар ҳам аниқ бўлиши лозим савол жуда илмий, назарий бўлса унда суҳбатдош ҳам ўша усулбда жавоб беради шунинг учун журналист суҳбатдан кўзланган мақсадга қараб иш юритиши лозим.

Журналист суҳбатдош жавобини гўёки тушунмаганликка олиб, униин нуқтаи назарини бузиб, ўзига маъқул йўналишда олиб борса.. Агар журналист суҳбатдошига нисбатан ўзини кўпол равишда тугса ҳам ҳатто суҳбатдошингиз қаттиқ жавоб бериб, кўнглингизни оғритса ҳам, кўполлик қилса ҳам - оғир, босиқ бўлиш керак. Агар журналист одоб доирасидан чиқмай ўзини мулойим тутса суҳбатдошнинг енгиб уни жавоб беришга ундайди. Айниқса, танқидий мазмундаги саволни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, суҳбатдошини хафа қилмайдиган шаклда бериш керак. Танқид қанча ўткир бўлса муносабат шунча майин, мулойим бўлиш керак.

Мутахассислар орасида интервьюнинг энг муҳим тактикаси — саволларнинг берилиш тартибида, деб ҳисобловчилар кўпчиликни ташкил этади. Аммо биргина саволларнинг берилиш тартиби эмас, балки журналистнинг суҳбат ўтказишдан кўзлаган мақсадини амалга оширишда муҳим воситаларни қўллай олиш малакаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда савол-жавобдан ташқари, журналистнинг суҳбатдошни интервьюга киришишга, гапиришга ундайдиган махсус полемик усуллари, имо-ишоралари, интонацияси, гаплашиш оҳанги, киноялари, танбеҳлари ва албатта, суҳабат

мухитининг ўзи ҳам муҳим. Шу билан бирга суҳбатнинг самарали чиқишига ҳалақит берадиган вазиятларни ҳам ёдда тутиш керак. Уларнинг айримларини билиш шарт. Айтайлик, суҳбатдошнинг ижтимоий тавсифи (мавқе, кадриятларни англаши, ижтимоий фаоллик даражаси) ёки психологик ҳолати мос келмаслиги мумкин. Суҳбатдош мансуб ижтимоий гуруҳларнинг психологик ўзига хослиги ёки кайфиятини ангалмаслик, бу билан ҳисоблашмаслик оқибатида суҳбат кўнгилдагидай чиқмаслиги мумкин. Баъзан суҳбатдоши билан журналистнинг ахлоқий қарашлари турлича бўлиб, бу ҳам мулоқотга салбий таъсир кўрсатади масалан турли газеталар орқали кўришимиз мумкин. “Даракчи” газетасида журналист санъаткор Нилуфар Усмоновдан интервью олган унга кўра саволлар ноўрин яъни яхши тузилмаган, бунда журналист суҳбатдошининг шахсиятига тегиб, миллий ўзлигимизни, кадриятларимизни бузган ҳолда саволлар берган, бундан кўриниб турибдики суҳбат ҳам кўнгилдагидек ўтмаган ва турли хил можароларга сабаб бўлган. Шу сабабдан ҳам бундай нохушликлар юзага келмаслиги учун журналист суҳбатга диққат билан пухта тайёрланиши ва суҳбатнинг барқарор кечишини таъминлаши лозим.

Қандай сабаб тўсиқ бўлишидан қатъи назар, улар бир хил вазиятни, яъни суҳбатда узилиш, суҳбатдош билан алоқага кириша олмаслик, ахборот олишда эркинликнинг етишмаслигини юзага келтиради. Бундан қочиш учун журналист суҳбат тактикаси ҳақида кўпроқ қайғуриши керак. Интервьюнинг самарали кечиши учун, тадқиқотчи Г.Лазутина таъбири билан айтганда:

-суҳбатга диққат билан пухта тайёрланиши (муҳокама мавзусини ўзлаштириш, суҳбатдошнинг феъл-атвори ҳақида муайян тассавурга эга бўлиш);

-суҳбат жараёнининг боришини назорат қилишни ўрганиши, кутилмаганда пайдо бўлаётган тўсиқларнинг олдиндан пайқаши ва уларни тезкорлик билан бартараф этиши;

-суҳбатнинг барқарор кечишини таъминлайдиган усуллари керакли даражада қўллай олиши лозим.³²

Журналист томонидан техник воситалардан фойдаланишнинг ҳам психологик талаблари бор. Журналист амалиётда суҳбат жараёнида интервью олаётган журналист суҳбатдошининг гапларини диктофонга ёзиб олиши мумкин. Чунки суҳбатдошининг айтган факт ва рақамларини эсда сақлаш лозим бўлади. Журналист нафақат диктофон балки блокнот ҳам олиб ёриши зарур чунки мабодо техник сабабларга кўра диктофон ишламай қолса блокнотнинг ёрдами асқотади.

Журналистика амалиёти чоғида журналистлар кўп хатоларга йўл қўядилар масалан: “Бекажон” газетасидаги интервьюда журналист машҳур санъаткор билан суҳбатда ўзи кўпроқ гапирган ваҳоланки санъаткор журналист эмас-ку журналистнинг ўзи савол бериб интервьюнинг ярим қисмига ўзи жавоб берса, кўп гапирса бу газетанинг обрўсига ва журналистнинг обрўсига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Журналист интервьюнинг яхши чиқишини таъминлаши керак шунинг учун журналист кўп савол бермаслиги ва суҳбатдошини эшита олиши зарур, олдиндан жавоби ўзига маълум бўлган саволни бермаслиги, ҳамма биладиган нарсалар ҳақида сўрамаслиги, ўзи кўпроқ гапирмаслиги, суҳбатдошининг фикрини тез-тез бўлиб қўймаслиги, ўзини ўта билимдон тутмаслиги, бераётган саволларида мантикий саволлар билан мурожат қилса интервью яхши чиқади.

Япония газетасининг бир нашридаги интервьюда шундай ҳолат юз берган журналист мавзудан четлашган саволлар берган ҳамда суҳбатдошни тўғри танлай олмаган яъни “Дунёдаги курашувчи” сарлавҳали интервьюсида журналист дунёда глобаллашувнинг акс этиши унга қандай чоралар кўриш ҳақида қизиқарли ва фактлар юзасидан савол бермаган ва суҳбатдош

³²Лазутина Г.В. Профессиональная этика журналиста . – М., 1999. –С.67.

архитектор бўлиб айнан шу соҳа вакили бўлмаган шунинг учун ҳам интервью қизиқарсиз чиқган.

Журналистика соҳасида психологиянинг ўрни жуда бекиёсдир. Чунки журналист омманинг ичида бўлади халқнинг фикр ва мулоҳазаларини очиб берган омма билан яхши дўстона муносабатда бўлиб гаплашиш ҳам бир санъатдир. Бунинг учун эса журналист инсонинг психологиясини жуда яхши ўрганган бўлиши зарур.

Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, интервьюда журналист суҳбатдоши билан гаплашганда унинг психологик характери ва унинг қизиқишларини тўлиқ билиши зарур.

Суҳбат жараёнида журналистлар энг яхши психологик усуллар мавжуд бўлиб улар: учрашувда дўстона муносабатда бўлиш; қўл бериб кўришиш; ўзининг ҳам, суҳбатдошининг ҳам дастлабки ҳаяжонини босиб олиши учун мавзуга оид бўлмаган бирор-бир мавзудан гап очиш; суҳбатдошининг гапини бўлмаслиги, диққат билан эшитиш; суҳбатдош учун қизиқарли, қолаверса, ўқувчини ҳам қизиқтирадиган нарсалар ҳақида гаплашиши; суҳбатга тайёрланиб келганини кўрсатиш; диктафонга ёзиб олаётган бўлса-да, албатта, муҳим гапларни қайд этиб бориш.

Оммавий ахборот воситалари соҳасида интервью жараёнида турли келишмовчиликлар юзага келади шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунга биноан, муаллифлик ҳуқуқи тушунчаси ва мақолаларга нисбатан татбиқ этилган бўлиб журналистнинг чиқарган материалларини ҳимоя қилишга кўмаклашади. Шу ўринда интервью олиш жараёнида психологиянинг ўрни мавжуд бўлиб унга кўра масалан, ғавқулодда вазиятлар содир бўлганда ёки нохуш воқеалар содир бўлганда журналист суҳбатдошининг психологиясини ўрганган бўлиши керак.

Интервью олишда суҳбатнинг қаерда ўтказилишининг ҳам аҳамияти бор. Бу ҳам интервью олишнинг психологиясига киради. Журналист суҳбатга жиддий тайёргарлик кўриши, қаҳрамонини ўрганиши, долзарб мавзунини танлай

олиши, саволларни аниқ ва мантиқан изчил қўя билиши ишчан ижодий мухитни таъминлаш билан бирга суҳбатдошнинг руҳий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатадиган, унинг кайфиятини кўтариб самарали натижага эришади бунда журналистнинг маҳорати талаб қилинади.

Хулоса

Оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланиладиган жанрлардан бири бу, албатта, интервьюдир. Журналист ахборотни интервью орқали ҳам жараёнида олади. Инсоннинг эса ахборотга бўлган эҳтиёжи мислсиздир. Айтиш мумкинки, ахборотга бўлган талаб қанчалик кучли бўлса, уни тарқатувчи омиллар ҳам шунчалик даражада кўпайиб боради. Буларнинг ичида журналист тарқатадиган ахборот ҳамма учун, оммабоп бўлиш билан бирга ҳолис ва ҳаққонийлик тамойилларига асосланади.

Интервью олиш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий, фан-техника, адабиёт ва санъат, спорт ва бошқа барча соҳалар ўз ифодасини топади. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг барча турларидан доимий ўрин олиб келувчи мазкур жанрда ижтимоий ҳаётнинг кичик бир масаласидан тортиб то энг муҳим муаммолари ҳам акс этиши мумкин. Интервьюда ахборот олишнинг ҳуқуқий ва психологик жиҳатлари мавжуд. Журналистнинг интервью олиш жараёнида ўзига бўлган ишончи, мавзу тўғри танлай олиши, суҳбатдошнинг ички кечинмалари ва энг асосийси мавзудан келиб чиққан ҳолда интервью ўтказиладиган жойгача аниқлаши психологик жиҳатларига киради.

Журналистиканинг интервью жараёнида ахборот олишнинг ва психологик муаммоларини имкон борича ўраганишга ҳаракат қилдик ва аниқ борган таҳлиллар натижасида қуйдаги хулосаларга келдик.

Биринчидан, интервьюнинг мавзусини тўғри танлаш; Иккинчидан, интервьюга жон бағишлаш учун, суҳбат маромига мос саволлар учун журналистда тинглаш қобилияти бўлмоғи зарур. Интервьюга тайёргарлик кўриш, саволлар тузиш керак. Учинчидан, вақти ва жойини танлаш. Бунда энг қулайи респондент ўзи суҳбат вақти ва суҳбат жойини белгилагани маъқул. Агар журналист вақти кам бўлиб, шошиб турган бўлса ҳам, сўралувчининг вақти, унинг суҳбатга тайёргарлиги ва ҳоказолар ҳисобга олинмоғи зарур.

Тўртинчидан, интервью олувчининг ташқи кўриниши. Учрашувга чиқиш олдидан журналист ўз ташқи кўринишини суҳбатдоши қандай қабул қилиб олиши ҳақида ўйлаб кўрмоғи лозим. Агар журналист дид билан, аммо оддий кийинса, баъзи бир ҳатоларга йўл қўймаган бўлади. Бизнингча, социологик тадқиқотга ўзига қарамай борадиган журналистлар янгилишадилар. Бешинчидан, суҳбатни олиб бориш санъати. Бу ҳам энг қийин вазифалардан биридир. Бу журналистнинг талқин қилинадиган муаммо билан олдиндан танишлиги ва суҳбатга қанчалик тайёрлиги, уни ўрганиши, суҳбат давомида ва айниқса суҳбат бошида суҳбатдошини тушуниб етиш, журналистнинг сабр-тоқатига, саволларнинг жавоблар қийматига мос келтира олишига боғлиқ. Журналист бир томондан суҳбатдоши дилидаги бор гапни билиб олиши мумкин. Суҳбат давомида уни керакли йўналишга сола билиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент.: Адолат., 2011.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Тошкент.: 2009.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Тошкент.: 2009.
4. Ўзбекистон Республикасининг Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида Қонуни Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Тошкент.: 2009.
5. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. -Тошкент.: Маънавият, 2008.
6. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2005.
7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
8. Абдуҳолиқов И. Каримов А. Тележурналистика асослари. – Тошкент.: 2005 йил.
9. Бахтин М.М. Проблема речевых жанров.// М.М. Бахтин. Литературно-критические статьи. – М.: Художественная литература.: 1986.
10. Саидов Ҳ. Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Тошкент.: 2008.
11. Дўстмухаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Янги аср авлоди. Тошкент.: 2007.
12. Дўстмухаммедов Х. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2005.
13. Дўстқораев Б.А., Ҳамдамов Ю.Қ. Журналистика социологияси. –Тошкент.: Университет. 2007

- 14.Фихтелиус Э. Журналистиканинг ўн қоидаси. -Т.: Шарқ. 2002.
- 15.Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. -Тошкент.: 2010.
- 16.Худойкулов М. Журналистикага кириш. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ЎзМУ 2005.
- 17.Killenberg C., Anderson R. Before the Story.Interviewing and Communication Skills for Journalists.St. Martin's Press, 1989.
- 18.Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста. -М.: «Аспект Пресс», 2001
- 19.Лукина М. Технология интервью: Учебное пособие для вузов/– М.: Аспект Пресс, 2003.
- 20.Мельник Г.С., Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста.–СПб.: Питер, 2006.
21. Metzler K. Creative Interviewing: the writer's guide to gathering information by asking questions. 2nd ed. N.J., 1989.
- 21.Устинова З.К. Моя профессия – репортер. СПб.: Изд-во С.-Петербургского университета, 2004.
- 22.Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси. -Т.: 2013.
- 23.Тошпўлатова Н. Журналистиканинг ҳалқаро ҳуқуқий асослари. –Ўқув қўлланма. Тошкент.: 2012 йил.
- 24.Трубицына Л.В. Травматическое воздействие СМИ (Журналист в чрезвычайной ситуации) // Международная конференция «Журналистика в 2000 году: Реалии и прогнозы развития». М., МГУ, 2001.
25. Шостак М. Репортер: профессионализм и этика. М., 1999.

Газеталар:

1. Дунёдаги курашувчи куч//“Асаҳи шинбун” 2013.
- 2.Маҳаллий шифохоналар сонини кўпайтириш//“Асаҳи шинбун” 2013.
- 3.Дунё талофат остида//“Асаҳи шинбун” 2013.
4. Хитойликлар сиёсатга талабчанлик билан ёндашади. Битта оила - битта бола//“Асаҳи шинбун” 2013.
- 5.XXI аср муқобил энергия асри бўлади//“Ўзбекистон овози” 2013.
- 6.Бепул ва пуллик тиббий хизмат//“Ўзбекистон овози” 2013.
- 7.Мактабларнинг ярим миллиондан ортиқ битирувчиси//“Ўзбекистон овози” 2013.
8. Баркамол авлод-юрт таянчи//“Ўзбекистон овози” 2013.

WEB ресурслар

1. <http://www.inosmi.ru>
2. <http://www.books.ru>
3. <http://commons.wikimedia.org>.
4. <http://asahi.com>
5. <http://asahi.com/haiku>
6. <http://google.com>